2003 YIL 10 APREL, PAYSHANBA

# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№48 (6.573). Sotuvda erkin narhda

## УКРАИНА ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА АМАЛИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

2003 йил 10-11 апрел кунлари Украина Президенти Леонид Кучма амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ташриф чоғида томонларни қизиқтирган масалалар бўйича маслаҳатлашувлар бўлиб ўтиши кутилмоқда.

### КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

- **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ёшлар ишлари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.**
- **Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес-марказда АҚШнинг халқаро ривожланиш агентлиги (ЮСАИД) томонидан молияланадиган иккита «Тадбиркорликни ривожлантириш» ва «Савдо ва инвестицияни ривожлантириш» лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди.**
- **Ўзбекистон ғаллачилик илмий-текшириш институтининг Ғаллаорол бўлимида яратилган «Дўстлик» буғдой нави давлат синовидан ўтиб, 2003 йилда республика далаларида экиш учун тавсия этилди.**
- **Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида Тошкентдаги Гёте институти билан ҳамкорликда «Кутубхона-ахборот таълими таркибий тузилишида замонавий ахборот технологияларининг аҳамияти» мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди.**
- **Республика «Мол-хомашё биржаси» акционерлик жамиятининг Бухоро бўлими Россиянинг Владимир областидан келган мижозлар билан шартнома тузди.**
- **Наманган вилоятининг Поп туманида янги шошилинч тиббий ёрдам шифохонаси фойдаланишга топширилди.**
- **Андижонда «Марказий Осиёда маҳаллий бошқарувни ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш бошланди.**
- **Гулистондаги «Алпомиш» спорт мажмуида «Фьючерс» халқаро теннис турнири бошланди. Унда 12 мамлакатдан 46 нафар спортчи иштирок этмоқда.**
- **Учкўприк туманидаги Бекобод маҳалласида яшаб, узоқ йиллар болаларга тарих фанидан сабоқ бериб келган устоз муаллим Турдимат ота Маҳкамов ташаббуси билан «Маҳалла музейи» ташкил этилди.**
- **Қизилтепа туманидаги «Зарметан» ширкат хўжалигининг «Робот» маҳалласида спорт майдони фойдаланишга топширилди.**

## СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

***Мамлакатимизда буюк соҳибқирон Амир Темурнинг таваллуд куни кенг нишонланмоқда. Пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбони 9 апрель куни ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Эрта тонгданоқ бу ерга турли вазирлик ва идоралар, илм-фан аҳли, санъаткорлар, ижодкорлар, фахрийлар, талабалар, кенг жамоатчилик вакиллари йиғилди.***

Тадбирни Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси раиси Муҳаммад Али очди.

Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида буюк бобокалонимиз хотирасини абадийлаштириш, унинг жаҳон тарихида тутган ўрни ва ролини чуқур ўрганиш, маънавий меросидан халқимизни тўла баҳраманд этиш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларимизда соҳибқирон ҳайкали қад ростлади. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги жаҳон миқёсида кенг нишонланди. Пойтахтимизда муҳташам Темурийлар тарихи давлат музейи барпо этилди.

Маросимда сўзга чиққан Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, Тошкент давлат юридик институти талабаси Мўътабар Ҳусанова ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари буюк бобомиз анъаналарига ҳамоҳанглиги, соҳибқироннинг ибратли фаолияти ва ўлмас мероси халқимиз, айниқса, ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Буюк бобомизнинг халқимиз фаровонлигини янада ошириш, жаҳон ҳамжамияти билан тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатишимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Тантана иштирокчилари Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйди.







ўгитлари - Ватан ва халқ фидойиси бўлиш, истиқлолни кўзқорачиғидай асраш, илм-маърифатга интилиб яшаш барчамиз учун доим ибрат бўлиб қолаверади. Амир Темур асос солган миллий давлатчилигимиз анъаналари бугунги кунда ҳам мустақиллигимизни мустаҳкамлаш,

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

* * *

Шу куни Темурийлар тарихи давлат музейида Амир Темур ва темурийлар даври тарихининг истиқлол йилларида ўрганилишига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.**
**Б.АКРАМОВ ("Қишлоқ ҳаёти") олган суратлар.**

## ИЖТИМОИЙ МАЖМУА МАЖЛИСИ

***Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг 2003 йил биринчи чорак якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.***

Мажлисда «Обод маҳалла йили» дастури бажарилишининг бориши муҳокама қилинди. Жорий йилнинг биринчи чорагида мазкур дастурда белгиланган ишлар, хусусан, маҳаллаларни ободонлаштириш бўйича ўтказилган умумхалқ ҳашарининг натижалари, Наврўз умумхалқ байрамининг нишонланиши ҳамда дастурда кўзда тутилган бошқа тадбирларнинг бажарилиши муҳокама қилинди.

Шунингдек, «Баркамол авлод», «Умид ниҳоллари» ўқувчилар спартакиадаларига тайёргарликнинг бориши ва «Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» фаолияти ҳақида фикрлашиб олинди. Мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялашнинг муҳим омили бўлган спортни ривожлантиришга, оммавийлаштиришга, маҳаллаларни болалар спортининг масканларига айлантириш йўлида олиб борилаётган амалий ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, Президентимиз ўтган ойда Ўзбекистон тарихи Давлат музейига ташрифи чоғида музей фаолиятини такомиллаштиришга доир қимматли маслаҳатлар берган эди. Хусусан, музей экспозициясини Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланган миллий давлатчиликнинг тараққиёт босқичларини кўрсатиш бош концепциясидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб бориш, ноёб экспонатларни мамлакатимиз ҳамда хориждаги турли нашрларда тарғиб этиш, уларни чет эл музейлари ва бошқа кўргазмаларда намойиш этишни уюштириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилган эди. Мажлисда музей жамоаси томонидан бу борада олиб борилган ишлар юзасидан фикрлашиб олинди.

Мажлисда «Ўзбектуризм» миллий компаниясида ислоҳотларнинг бориши, шунингдек, Ижтимоий мажмуа таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда ижро интизомини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган тадбирлар муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА)**

### СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

## БОЛАНГИЗ НЕЧАНЧИ СИНФДА?

***Одатий иш кунларидан бири эди. Хонамизга дафтар қўлтиқлаган зиёлинамо киши кириб келди. Қисқача саломаликдан кейин "Ғиждувонликман, қизим шеър ёзади, машқларини кўриб берсангиз", дея мақсадга кўчди у.***

Унинг шунча йўл босиб атайин таҳририятга келиши фарзандининг ўқиши, қизиқишларига бефарқ эмаслигини кўрсатарди, албатта.

-Очиғи, яқингача қизимнинг қандай ўқиши тугул нечанчи синфда таълим олаётганини ҳам билмасдим, - деди у фикримизни уққан каби. – Мактабдаги тадбирларнинг бирига бизни ҳам таклиф қилишган эди. Бордим. Бир гуруҳ ота-оналар ниманидир қизиқиш билан кузатишаётганини кўриб ўша томонга юрдим. Ҳурмат тахтасида беш нафар аълочи ўқувчининг сурати қўйилган экан. Улар орасида қизимнинг ҳам суратини кўриб, хурсанд бўлиб кетдим. Мактабдан қушдек енгил тортиб қайтдим. Бир томондан андак хижолат ҳам чекдим. Шундан бери унинг ўқишидан бохабар бўлиб, айтган китобларини ҳам келтириб берадиган бўлдим.

Қирқ беш ёшлардаги бу киши тасодифан ўз хатосини англаб етибди. Лекин орамизда фарзандининг ўқиши, дарсдан сўнг нима билан шуғулланиши билан заррача қизиқмайдиган ота-оналар озми?

-Яқинда бир муаллим қизиқ воқеани айтиб берди. Хўжалик раиси "юқоридан" келган меҳмонни уйига тушликка таклиф қилибди. Раисниг ўғли қўл-оёғи чаққонгина бола экан. Меҳмонхонага дарҳол жой ҳозирлабди. Буни кўрган меҳмон "Зап дастёр ўғлингиз бор экан. Нечанчи синфда ўқийди?" деб сўраб қолибди. Шунда раис ўғлининг ортидан бақирибди: "Ҳой, Мурод, нечанчи синфда ўқирдинг?"

Бу воқеага ортиқча изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## БЎЛАДИГАН ЭЛ...

***Бир қавмнинг машҳур бир паҳлавони бор экан. Курашларда кураги ер кўрмай донг таратар, ғалабалари эвазига тушган маблағларни бева-бечораларга улашиб, мағрур ҳаёт кечирар экан.***

Нима ҳам бўлибди-ю, бошига кулфат тушиб, пулга зориқиб қолибди. Насиба экан, судхўрдан қарз кўтаришга тўғри келибди. Судхўр инсофсиз чиқиб, сал ўтмай ўзи берган муҳлатга ҳам сабри чидамасдан, қарзини қистай бошлабди. Паҳлавон қарзини уза олмагач, судхўр жирканч ҳийла ишлатибди. Йигит курашга чиқаётганида, у қарзини талаб қилиб тўполон кўтарибди. Паҳлавон майдонга руҳсиз тушибди, табиийки, йиқилибди. Шу тарзда мағлубиятлар бир неча маротаба такрорланибди. Шунда инсофли бир давлатманд одам эл-юртнинг олдида паҳлавоннинг қарзини узибди, қарзни узиш эвазига берган пулидан кечганини, паҳлавон энди ҳеч кимдан қарздор эмаслигини эълон қилибди. Ҳам қарзидан қутулган, ҳам холис бир инсоннинг олийжанoблигидан руҳланган паҳлавон аввалгидан ҳам улкан ғалабалар қозониб, энди жаҳонга донг таратибди. Илгари қавмдошларинигина қувонтирган паҳлавоннинг қудратидан бутун инсоният ифтихор этадиган бўлибди.

Ўтган замон феълларига қараб, буни бир ривоят деб ўйламанг. Бу ўтган асрда Хоразмда бўлиб ўтган воқеа. Бу воқеа шуниси билан ибратлики, унда инсон руҳининг муҳим бир жиҳати намоён бўлган. Бу жиҳат озодлик иштиёқидир. "Ким агар озоддир ул шоддир", деб хитоб этган эди Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари. Инсон табиатидаги ана шу иштиёққа нимаики таҳлика соладиган бўлса, буларнинг барчасини долзарб истилоҳ билан "терроризм" деб аташ мумкин. Террорист бўлиши учун одам тиш-тирноғигача қуролланиши, ажнабий қиёфадаги чангалидан қон томиб турган бир маҳлуқ бўлиши шарт эмас,



### ПУБЛИЦИСТИКА

Одамларнинг бир-бирларига пинҳона қайралган тишлари бир кунмас-бир кун ошкор чархланган қиличларга айланадилар. Ўзингизники, агар у нокас бўлса, ўзагингдан қирқади. Ҳарбийчасига айтганда, қабоҳатнинг позицияси ҳамиша қулай ва мустаҳкамдир. Чунки қабоҳатпешалар ўз қурбонларининг разолатга қарши разолат билан жавоб қайтара олмасликларини кўзда тутиб иш кўрадилар ва, аксар, янглишмайдилар. Бундай қонқақшатқич ёвузликларнинг урчитгувчиси барчамизнинг бир-бирларимизга бўлган ғайирлигимиз ҳамда бунинг оқибатида келиб чиқадиган хусуматлардир.

Тома-тома кўл бўлади, дейдилар. Жаҳл ҳам шундай, жаҳолат ҳам. Меҳрнинг табиати нозик. У худди булбул жўжасидек, саодатли бир пинҳонийлик билан ноёб тарзда бунёд бўлади, биз уни гулбонг уриб сайраётганидагина пайқаб қоламиз. Жаҳл эса, кечирасиз, битдек болалаб туриб, итдек қопади. Бирники мингга, мингники туманга, деган гап жаҳл тўғрисида, адоват ҳақидадир. Ўз кирдикорларининг хуружини оламга тарқатишдан иблис асло эринмайди. Эҳтиёт бўлинг, эзгу сўз хайрихоҳлиги бўлмаса, акс садосиз қолиб кетиши мумкин, бироқ ёвуз сўз, албатта, нишонга бориб тегади. Заҳар оғиз орқали ошқозонга эмас, балки қулоқ орқали юракка бориб тушади, инсон руҳи, деб аталган иморатни ичдан емиради.

Биз Ватанга муҳаббат ҳақида ўйлаяпмиз ва сўйлаяпмиз. Шўролар тузуми даврида "Ўзбекистон ватаним маним", "Хоразм фарзандиман" деб куйлаш учун юрак керак эди. Энди бизни Хоразм, бутун Ўзбекистон фарзандим, деб фахрланишга арзийдиган фикрлар, сўзлар ва амаллар билан муносиб тарзда фаолиятда бўладиган давримиз келди. Сўз ва амал жасорати эгиз бўлса, бундай чамбарчасликнинг маҳсули файзи алоҳида бир фахрланарли бўлади. Бундан ўттиз йил муқаддам Ленкоран шаҳрида ҳарбий хизматда бўлган қўшнимиз Бахтиёр Висжонов бир воқеани гапириб берган эди.

(Давоми 2-бетда)

## ФЕРМЕРЛИК РАВНАҚИГА ЭЪТИБОР

***Қишлоқ хўжалиги - иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларидан биридир. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ соҳада ишни ташкил этишни тубдан янги асосларга ўтказишга жиддий эътибор берила бошланди.***

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам замонавий технология ва илғор тажрибага асосланган ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши туфайли мамлакатимиз ғалла мустақиллигига

### ФАРМОННИ ЎҚИБ...

эришди. Энг муҳими, деҳқон ва фермерда ерга эгалик ҳисси, мулкдорлик туйғуси қарор топди.

Аграр ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришни, хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини татбиқ этишни, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллигини кенгайтириш ҳамда уларнинг ишончли ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашни тақозо этаётир.

(Давоми 2-бетда)

### ҚИШЛОҚ САНОАТИ

***Ургутда ҳеч бўлганмисиз? Мафтункор табиатидан баҳра олганмисиз? Бу ҳам майли, айниқса, моҳир ҳунарманд ва тадбиркорларини айтмайсизми... Йўлимиз тушиб, тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси туман бўлимида бўлдик. Палата раиси Абдуҳафиз Бердиевдан ургутлик тадбиркорлар ҳақида сўрадик:***

-Яхшиси, ўзингиз бирга юринг, кўз билан кўрганга келмайди. Сизни тадбиркорликнинг антиқа тури билан шуғулланувчи ишбилармонлар ҳузурига

## ҚАЛОВИНИ ТОПГАН ТАДБИРКОРЛАР

олиб бораман, - дея йўл бошлади у киши.

Йўл-йўлакай қилинаётган ишлар хусусида суҳбатлашиб кетдик.

-Яқинда "Ташаббус – 2003" кўрик-танловининг туман босқичини ўтказдик. Шу баҳонада зўр тадбиркорларни кашф этдик. Танловда биринчи ўринни эгаллаган "Яшил олтин" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси пластмассадан тайёрланаётган маҳсулотлари билан қатнашди.

(Давоми 2-бетда)

### ТОШКЕНТ ТРАКТОРИ:

## ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

***Бугун қайси деҳқон билан суҳбатлашманг, у аввало, техникадан сўз очади. Трактор эски бўлса турган-битгани ташвиш. Механизатор ҳам, деҳқон ҳам қийналади. Чунки эски трактор айтганингдек, ишламайди, юриб турганидан носоз ётган куни кўп. Эски барибир эскида. Янги трактор бўлса-чи. О-о, қани эди...***

Бир тракторчи бор. Ҳовлисида атайлаб дўнглик қилиб қўйибди. Кечқурун ишдан келгач, тракторини шу дўнгликка чиқариб қўяди. Эрталаб ролга ўтиргач, хотини ғил-

### ТАРАҚҚИЁТ

дирагидан итариб юборади. Аммо тракторчига ёғингарчилик ойларида жуда қийин. Ер лой, ғилдирак тойиб юрмай қолади. Сўнг қишлоқни кезиб тортгани техника излайди. Яқинда собиқ тракторчи, бугунги фермернинг ҳовлисида янги тракторни кўриб, қутлагани киргандик. Хурсандчилигини айтмайсизми...

-Техника дегани бундай бўпти-да. Хотин ҳам бир ташвишдан қутулди. Ҳовлидаги дўнглик ҳам керак бўлмай қолди. Калитни бурсанг, юради, - дейди у. –Ростини айтай, техниканинг ташқи кўринишига гап йўқ.

(Давоми 3-бетда)

### 10 АПРЕЛ - АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

***Халқ одатда ўзининг улуғ фарзандларини юлдузларга қиёс қилади. Бунинг сабаби, юлдузларнинг нафақат илоҳий юксакликда жойлашгани, балки, энг аввало, ҳамиша нур сочиб туришида, ҳатто сўнганларидан кейин ҳам улар сочган шуълаларнинг бизга келиб туришидадир.***

Агар истеъмолдаги ана шу ташбеҳдан яна бир бор фойдалансак, биз учун азиз яна бир порлоқ юлдуз бор. Бу адабиётимиз осмонидан нур сочиб турган Абдулла

## ЁРҚИН ЮЛДУЗ ШУЪЛАСИ

Қодирий юлдузидир.

Абдулла Қодирий тириклик пайтидаёқ ҳам ҳажвий бўёқлар фаввораси жўш уриб турган кулги ҳикоялари, ҳам Отабегу Кумуш, Анвару Раънoларнинг фожиали муҳаббати тарихини юксак маҳорат билан тасвир этган романлари туфайли халқнинг севимли адибига айланган эди. Йиллар ва даврлар ўтса-да, унинг халқ қалбидан бир умрга ўрин олган асарлари ўзининг бадиий қувватини, латофатини заррача ҳам йўқотмай келади.

(Давоми 4-бетда)

## УЧҚЎРҒОН МАЛИКАСИ

***Баҳор бу йил анча соғинтириб келди. Ўриклар ҳам кечроқ гуллади. Ёмғирли кунлар кўп бўлгани боис, Учқўрғон ён бағридан оқиб ўтган Норин дарёси суви ҳали бери тиниқлашадиганга ўхшамайди.***

Туман ҳудуди қўшни Қирғизистон билан чегарадош – тоғлар ҳам шундоқ кўриниб туради. Шундан бўлса керак ҳавоси ҳам жуда тоза. Баҳор бу гўшага вилоят маркази Наманган шаҳрига нисбатан бир ҳафта-ўн кун кечроқ ташриф буюради.

Туманнинг пахтакору ғаллакорлари кейинги йилларда табиат қийинчилик-

### ИНТИЛИШ

ларини енгиш чораларини топишаётир. Йил бошида зиммаларига олган режаларини ортиғи билан бажаришаётир.

Деҳқон даласи билан бағри бутун. Уни ерни тахти, деб билган подшоҳга қиёслагимиз келади. Заҳматлардан роҳат ярата оладиган ҳам, юраги булоқ сувидек тиниқ, самимий кўзларидан меҳр ёғилиб турган ҳам бободеҳқоннинг ўзи. Шаҳарларни чиройга буркаётган, сизу бизнинг дастурхонларимизни неъматларга тўлдираётган ҳам ўшадир.

Деҳқонлари бой юрт бадавлатдир, деганлар минг карра ҳақ.

(Давоми 3-бетда)

### ҲИКМАТ

## ТИЛЛА БАЛИҚЧА

*Тухумдан чиқди-ю*
*келтириб уни*
*Шу лойқа ҳовузга*
*томон отдилар.*
*Ташландиқ ушоқ еб*
*ўтади куни,*
*Хору хас, хазонлар*
*устин ёптилар.*

*Дунёда кўргани шу*
*тор ҳовузча*
*Ва мудроқ толларнинг*
*аччиқ хазони.*
*Менга алам қилар,*
*тилла балиқча*
*Бир кўлмак ҳовуз деб*
*билар дунёни...*

Абдулла ОРИПОВ

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ТУНГИ ШАРПАЛАР

"ҚОР ОДАМ" БОРМИ?

ДОМЛА "МУМ ТИШЛАДИ"




## УЗУН СОЧЛИ “ЖОРЖ”

***Соқол тарашлатаётган Ҳусниддин сочлари елкасига тушган Бахтиёрга луқма ташлади:***
***-Мусофирчиликда Жорж бўп кетибсан-да, ука.***

-У ёқларда мода шунақа.

-Қишлоқ жойда яхшимас энди. Отанг битта-яримтанинг қизига оғиз солсаям...

-Таг-туги билан олдириб ташлайман, - беўхшов ишшайди йигит. – Битта ошга эрийсизми?

-Дардинг шу холосми? – арчилган тухумдай бўлиб креслодан қўзғолган Ҳусниддин унинг кўзига тик боқди. – Қўлни ташла.

Бахтиёр “кокиллари”ни селкиллатиб унинг ўрнига ўтираётиб сўради:

-Қачон, ака?

-Бугун...

Ваъдага вафо – марднинг иши. Ҳусниддин бозорга қараб жўнади. Бироқ кутилмаганда йўлдан Бахтиёрнинг отаси чиқиб қолиши билан унинг фикрига шайтон оралади.

-Тижоратчи ўғилчанинг сочи жа-а анақа бўп кетибди-да, Шодивой ака.

-Икки-уч айтдим, - қўл силтаб “ёрилди” тўлиб турган ота. – Қаттиқроқ тегайин десам, бўйи бўйимдан баланд.

-Аммо, тилло бола, - кўнгилга йўл топишга киришди Ҳусниддин. – Мени гапимга йўқ демайди.

-Шунақами? – жонланди Шодивой. – Бир уялтириб кўринг бўлмаса.

-Таг-туги билан олдириб ташласам, битта ош қиласиз, - қувлик билан илжайди.

“Жорж”нинг отаси у ёққа кетди, Ҳусниддин эса шоша-пиша изига қайтди.

-Ие, масаллиқ бир пасда битдими? – сартарошхонада савол билан қаршилади уни Бахтиёр.

-Битди, ука. Ҳамма нарсани дадангдан бериб юбордим, кечқурун пишириб еяверасизлар. Биру бир “расчёт”миз.

Бахтиёр бемаврид “расчёт”нинг маъносига сира ақли етмай, атир жазиллатган тап-тақир бошини силаб қолаверди...

**Рустамжон УММАТОВ**

## “ТЕРЛАБ КЕТДИНГ-КУ, ЖИЯН!”

***Қиш кунлари Холмат ака дўконда қаймоқ сотарди. Совуқда қаймоқ қотиб қолганидан уни бўлаклаб қўяр эди.***

Бир куни Холмат аканинг жияни Ҳамид ул-бул нарса олиш учун дўконга келди. Иккаласи у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб ўтиришаркан, Ҳамид тоғасининг кўзини шамғалат қилиб, бир бўлак қаймоқни олиб, қалпоғининг ичига яширди. Аммо Холмат ака буни пайқаб қолди. “Ўғригина жияни”нинг боплаб таъзирини бериб қўйишга қарор қилди.

-Ҳамидвой, ташқари совуқ, аввал яхшилаб исиниб ол, кейин кетасан, - деди у “меҳрибонлик билан” жиянини бир чеккада ловуллаб ёниб турган печка томон бошларкан.

-Онам тезроқ келгин, деб тайинлаган эди, - жавоб қайтарди Ҳамид тоқатсизланиб.

-Онангга тоғам бироз ушлаб қолди, десанг сени уришмайди, - дея тихирлик қилаётган жиянини печка томон судрай бошлади Холмат ака.

Ноилож қолган Ҳамид печ ёнидаги курсига ўтирди.

-Иситаяптими? - жиянига юзланди Холмат ака.

-Ҳа, - дея юзлари қизариб кетган Ҳамид зўрға жавоб қайтарди.

Ҳамид печка тафти таъсирида терлай бошлаган, қалпоғи остига беркитилган қаймоқ ҳам эришга тушганди.

-Жиян, роса терлаб кетибсан-ку, - деди Холмат ака гўё ҳеч нарсадан бехабардек, печкага ўтин қаларкан. – Аммо қишда ҳар қанча иссиқнинг ҳам зиёни йўқ.

Ҳамид ночор аҳволда зўрма-зўраки жилмайиб қўя қолди. Бу пайтда хона ниҳоятда исиб кетган, Ҳамиднинг бошидаги қаймоқ эриб, юз-кўзига оқиб тушаётган эди.

-Мана жиян, биз шунақамиз, - деди Холмат ака кулиб. – Жудаям исиб кетдинг-а? Кел, бошингдаги қалпоғингни ечиб, бироз ўзингга келиб ол, - дея унинг қалпоғига қўл узатди.

-Йўқ! Керак эмас! – дея Ҳамид шартта ўрнидан турди-да, кўчага отилди.

**Ширин БАҲРОМОВА**

## ИЛОЖИ ТОПИЛДИ...

***Қаҳатчилик йиллари. Бир бурда нон анқонинг уруғи. Шундай кунларнинг бирида қишлоқнинг оддий хизматчиларидан – Ҳакимқул каллага онаси Бибинор опоқи ҳасрат қилибди:***

-Болам, ўзинг биласан, эрта-индинга ҳайит, қўни-қўшнилар бизникига ҳайитлаб чиқса, олдиларига нима қўяман? Уйда ҳеч нарса қолмади ҳисоб. Ё, отангдан қолган дошқозонни сотасанми?!

Кампирнинг бу таклифи Ҳакимқул каллага ёқмабди. Негаки, унда ҳали келажакдаги ёрқин кунларга ишонч бор экан-да. Туни билан у мижжа қоқмай вазиятдан чиқиш йўлларини ўйлабди. Ўйлай-ўйлай охири иложини топгандек бўлибди. Хуллас, эрталаб турган Ҳакимқул онасидан эски желакни (ичига пахта қавилмаган тўн) сўраб олиб, маҳаллани айлангани чиқибди.

Ҳакимқул қурғурнинг ўзига хос обрўйи бор экан-да, одамлар унинг “Ҳайитлар муборак бўлсин” деган гапига бироз ажабланса-да, роса сийлабди. Қаҳрамонимиз бўлса қорнини тўйдириш баробарида чўнтагини ҳам дастурхонга қўйилган қанд-курслардан тўлдирибди.

Шу тариқа орадан бир-икки кун ўтар-ўтмай ҳайит бошланибди-ю, Ҳакимқулларнинг уйига хурсандчилик дорибди. Энди Бибинор опоқи қаддини ғоз тутиб ўтирар, бир дастурхонга қўйилган қанд-курсга, бир эридан қолган эски илиғлик желакка фахрланиб қараб қўярди.

**Ҳидирали ПАНЖИЕВ**

## ИККИ ОЁҚЛИ БЎРИ

***Саъдулла тунги соат тўртларда ўн-ўн беш чоғли қўйини далага ҳайдар, тонг ғира-ширасида уйига олиб қайтарди. У тонг саҳар қўйларни ҳайдаб, катта йўлни кесиб ўтаётган маҳал бир қўйни енгил автомашина туртиб юборса бўладими?***

Жонивор типирчилаб қолди. Саъдулла шартта унинг бўғзига пичоқ тортиб, ҳалоллади. Сўнг фалокат сабабчисига ўдағайлай кетди: “Энди қўйнинг хунини тўлайсан”. “Москвич” эгаси қараса, аҳвол жиддий. У машинасидан қоғоз-қалам олдида, “Халқ мулки бўлган пахтазорда қўй боқишга қандай ҳаққинг бор? Қани, бир акт тузайлик”, деди.

Қўй эгаси бу гапларни эшитиб, чўчиб тушди. “Амалдорга ўхшайди. Бир қўйни деб ҳаммасидан айрилиб қолмасам гўргайди”, деган ўйда ёлворишга тушди: “Ака, қўйинг, шу ишнинг кераги йўқ, илтимос”. Машина эгаси бўш келадиганга ўхшамасди. Шунда Саъдулла “Ана, сўйилган қўйни ҳам олинг, мен рози”, деб юборди. “Ундай бўлса мошиннинг багажига юкла”, дея имо қилди бояги киши ручкасини чўнтагига соларкан.

Бу воқеани Саъдулланинг ҳамқишлоқлари эшитди. Улар Саъдулладан ўсмоқчилаб, “Бир қўйингни ким еб кетди”, деб сўрашса, у “икки оёқли бўри” деб жавоб берар эмиш.

**Истам ИБРОҲИМОВ**

# ФЕРМЕРЛИК РАВНАҚИГА ЭЪТИБОР

(Боши 1-бетда)

Президентимизнинг шу йил 24 мартда эълон қилинган «Қишлоқ хўжалигидаислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди. Фармон талабларини бажариш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни янги, сифат жиҳатидан юқори поғонага кўтаради.

Давлатимиз раҳбари томонидан қишлоқ хўжалигида мулкчилик шаклларини ўзгартириш ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришнинг бундан буёнги устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Эндиликда суғориладиган экин майдонлари чекланган шароитда мулкчиликнинг ижара шакллари ва шартномавий муносабатларга асосланган хўжалик юритиш тизими янада ривожланади. Айниқса, хўжалик юритишнинг фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкилий-ҳуқуқий шакллари сақланган ҳолда, истиқболда қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчи асосий субъект бўлиб қоладиган фермер хўжаликлари ҳар томонлама кенгаяди, тараққий этади.

Мамлакатимиз раҳбари қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган дастлабки йиллардаёқ фермерларни ислоҳотларнинг «биринчи қалдирғочлари» деб атаган эдилар. Бугунги кунда юртимизда уларнинг сони 72 мингдан ошиб кетди. Уларга салкам 1 миллион 600 гектар ер ажратиб берилган. Бу - ҳар бир фермерга 22 гектардан тўғри келади, деганидир. Ана шу хўжалик юритувчи субъектларда 487 минг нафардан зиёд киши меҳнат қилмоқда.

Биргина «Ташаббус-2003» танловида 3075 нафар фермер беллашгани мамлакатимизда фермерлик ҳаракати нақадар кенг қулоч ёяётганидан яққол далолатдир. Бунда, табиийки, деҳқон ва фермер хўжаликларини тараққий эттиришга қаратилган фармонлар, қонунлар, ҳукумат қарорлари ва бошқа зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани, фермерларга талай имтиёзлар берилгани, шу жумладан, янги ташкил этилган хўжаликлар 2 йилгача барча турдаги солиқлардан озод этилгани, бошланғич сармоя ва имтиёзли кредитлар ажратилаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур Фармонда бу борадаги енгилликлар янада кенгайтирилган. Хусусан, хўжаликлар ўз меҳнати натижаларини, шу жумладан етиштирилган маҳсулотни, ўзларига тегишли мол-мулк, молиявий ва моддий ресурсларни ўз хоҳишига кўра тасарруф этиши қатъий белгилаб қўйилган.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари фермер хўжаликлари тузиш ҳамда улар фаолиятини ташкил этиш жараёнида амал қилиши зарур бўлган принципиал қоидалар кўзда тутилгани ҳам айни муддаодир.

Бунда фермер хўжаликлари зарар билан ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатлар негизида барпо этилиши, юридик шахс сифатида, асосан хусусий корхона шаклида, кейинчалик улар турли шаклдаги кооперацияларга бирлашиш ҳуқуқи билан барпо этилади.

Эътиборли томони шундаки, ер майдонлари фермерларга танлов асосида эллик йилгача муддатга, ижара муддати давомида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ижарада фойдаланиш учун берилади. Фермер хўжаликларига берилган ер майдонлари ширкат хўжаликларининг балансидан чиқарилади.

Етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш ҳамда моддий-техника ресурслари ва хизматларни олиш учун шартномаларни фермер хўжаликларининг ўзлари тайёрлов, қайта ишлаш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари билан тўғридан-тўғри тузади.

Бу янгиликлар биз деҳқонларни қувонтирди, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида ишлаётган кишиларнинг меҳнати муносиб қадрланяпти. Ўтган даврда бу соҳада ишлаётган кўплаб ҳамюртларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлди. Истиқлолнинг ўн бир йиллиги арафасида бир неча ватандошларимиз қатори менга ҳам олий мукофот - Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилганидан кўксим тоғдек юксалди, бундай эътибор мени ва жамоамизни янги ишларга руҳлантирди.

Бу йил хўжалигимиздаги 3 минг гектар майдондан 10 минг тонна пахта, 1 минг 200 гектар ердан 5 ярим минг тонна ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни мўлжаллаяпмиз. Ўтган йили пахта майдонининг ҳар гектаридан 534 минг сўм, ғалладан эса гектар бошига 450 минг сўмдан даромад олдик.

Очиғини айтсам, хўжалигимизда фермерлик эндигина чинакамига ривожланяпти, ҳар томонлама қўллаб-қувватланяпти. Фермер хўжаликлари тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, уларнинг маҳсулот етиштириш кўрсаткичлари ширкат хўжалигига нисбатан анча юқоридир. Зеро, фермерлик - қишлоқ хўжалигимиз келажаги, дейилаётгани бежиз эмас.

Президентимизнинг «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони айни деҳқон дилидаги гап бўлди. Фермер хўжаликлари равнақини кўзлаб қабул қилинган ушбу ҳужжат қишлоқда бундай хўжаликлар ривожланишига кенг йўл очиб беради. Деҳқон ва фермер хўжаликлари мустақиллигини таъминлаш, илғор технология ва тажрибаларни самарали қўллаш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, пировард натижада, эл-юрт фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

**Муродулло САИДОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони,**
**Қашқадарё вилояти Миришкор туманидаги «Жейнов» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси (ЎзА)**

ЖАРАЁН

## ЭРКИН ДЕҲҚОН БОЙ БЎЛАДИ

***Хабарингиз бор, шу йилнинг 24 мартида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди.***

Мазкур Фармон қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини татбиқ этиш, деҳқоннинг мустақиллигини ҳамда ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашга қаратилган. Соддароқ айтганда, мазкур ҳуқуқий ҳужжат деҳқоннинг эркин фаолият юритишига имкон яратади.

Яқинда республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида бўлиб ўтган семинар-мунозарада ҳам айнан юқоридаги Фармоннинг моҳияти ва аҳамияти, уни бажариш юзасидан соҳа мутасаддиларининг келгусида қилиши керак бўлган вазифалари хусусида сўз борди. Қизиқарли баҳс-мунозара тарзида ўтган семинар-мунозарада соҳа мутахассислари, масъул ходимлар билан биргаликда оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам иштирок этишди ва Фармон юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

-Президент Фармонида ер майдонларини фермерларга танлов асосида эллик йилгача узоқ муддатли асосда, ижара муддати давомида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ижарага фойдаланишга берилиши белгиланган, - деди республика Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази бош директори ўринбосари Одилжон Олимжонов. – Демак, ерни ижарага олган фермер унинг ҳуқуқий эгаси ҳисобланади. Шунингдек, фермер билан ёлланма ходимлар, шу жумладан оила аъзолари ўртасидаги меҳнат муносабатлари амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ меҳнат шартномаларига асосланади. Яъни, фермер хўжалиги аъзолари ёлланма ишчи сифатида фермер билан шартнома тузишади. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад шундаки, тузилган шартномага кўра ёлланма ишчига меҳнат дафтарчаси юритилади. Бу билан келгусида ишчига кексалик нафақаси белгилашга ҳам имкон яратилади.

Яқинда тажрибали мутахассислардан иборат 7 та махсус ишчи гуруҳлари тузилди. Айни кунларда ана шу гуруҳ вакиллари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Фармоннинг ҳар бир банди бўйича деҳқонларга, фермерларга ва соҳага тегишли барча мутасаддиларга тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

# БЎЛАДИГАН ЭЛ...

(Боши 1-бетда)

“Шу десанг, казармада энди уйқуга чўзилган ҳам эдикки, девордаги репродуктордан Боку радиоси орқали Комилжон Отаниёзовнинг қўшиғи янграб қолди. “Душимда бир булбул гўрдим” деган. Ғайри ўзбек битар аскар “уйқу бермаяпти” деб радиони ўчириб ташлади. Хоразм қўшиқларини соғинган эканман, ўрнимдан турдим-да, радиони аввалгидан ҳам қаттиқ қўйдим, ҳалиги аскар яна ўчирди, мен яна... Хуллас, ўзбек йигитлари билан ҳалиги йигитнинг миллатдошлари орасида муштлашув бошланиб кетди. Энди уйқу ҳамманинг ёдидан кўтарилган, иззат-нафс олдинга чиқиб кетиб, ўртага ўзбек халқининг, Ўзбекистоннинг шаъни тушганди. Ким кимнингдир бошига курси билан солган, ким кимнидир калла қилган... Офицерларнинг дўқ-пўписалари, аввалги олган интернационал тарбиялар ҳеч бир иш бермас, омонсиз ур-йиқит кетар, Комилжон эса ҳамон куйлар эди “Ўзга юртнинг боғи билан боқчаси ўзга юртнинг янтоғинча билинмас” деб. Бизлар бўлсак ўзга юртнинг боғи билан боқчасинда ўз юртимизнинг янтоғи учун ҳамон муштлашар эдик...”

Қўшиқлар ўз элининг фарзандларини ҳамиша ботирим деб алқайдилар. Чунки улардаги сўз эзгудир, шунинг учун ҳам уларга фидо бўлгинг келади. Ҳар бир халқнинг оғир кунларида душманлар аввало шоирларнинг, ажойиб хонандаларнинг бошига кулфат солишларининг боиси ҳам шунда. Шоири, хонандаси ёв зарбасидан гаранг бўлган халқ карздор паҳлавонга ўхшайди. Майдонга тушганда қудратли бўлса ҳам барибир тиззалари қалтирайди. Бир-бирини чучмал ва писмиқ сўзлар билан зимдан заҳарлаётган қалбаки зиёлиларнинг суҳбатидан ҳалиги муштлашув минг марта мароқли, ҳалолдир. Садоқат тимсолидир, Ватан ҳақидаги Комилжон Отаниёзовники билан тенг келадиган буюк бир қўшиқдир.

Сўз, аслида, ўзига хос бир подшоҳдир. Агар сўз эзгу бўлса, Анўширивони Одил каби, ёвуз бўлса, Қорун янглиғдир. Подшоҳнинг юксак минбарлардан янграётган нутқидан тортиб, фақирнинг пастқам бир ерда гапираётган хуфя гапигача – барчасининг, мавриди билан, Ватан тақдирини белгилашда ўз ўрни, ўз аҳамияти бордир.

Ватан нимадан бошланади, деган муаммо мавжуд. Ватан, аслида, сўздан бошланади. Чунки она “алла”си ҳам, чақалоқ “инга”си ҳам сўздир. Агар сўз ёвуз фикрдан туғилган бўлса, ўзидан бошланган ватанни адои тамом қилиши ҳам муқаррар. Барбод берилган ватанларнинг, тарих саҳнасидан даф бўлган халқларнинг ҳаётини ўргансак, уларнинг йўқолиши эзгу сўзнинг, ростгўйликнинг заволидан бошланган.

Болалигимизнинг кўсак чувилиб чиқиладиган олис оқшомларидан бирида отам ҳазил тариқасида бир сеҳргарликни ўргатгандилар. У жуда жўн, бироқ бениҳоя таъсирли эди. Даврадагилардан икки одам тил бириктиради-да, биттаси ўзини сеҳргар деб эълон қилади. Сеҳргарликнинг моҳияти пиёланинг тагига бирор-бир буюмни даврадошлардан бири томонидан сеҳргардан бекитиқча яширган одамни фош қилишдан иборат эди. Буюм яширилгач, ташқарига чиқарилган сеҳргар хонага қайтадан таклиф қилинар, унинг кузатувида хонадаги барча даврадошлар қўлларини бир-бир пиёлага теккизадилар. Ҳалиги сеҳргарнинг маҳфий шериги бўлса қўлини буюм яширган одамдан кейиноқ теккизар, сеҳргар шундан пиёла бетига буюм яширган одамни айтиб берарди. Одамларни чалғитиш учун, албатта, сеҳргар кўзларига сирли тус берар, хонанинг у ёғидан бу ёғига юриб, ўзини гўё башоратга чоғлар эди. Мен бу ўйинни пахта кунлари синфдошларимга кўрсатиб бироз муддат обрў қозониб юрдим. Бироқ, менинг маҳфий “ассистентим” Умрбекнинг шуҳратпарастлиги ишнинг белига тепди. Унинг ҳам сеҳргар бўлгиси келиб қолди. Ялиндим-ёлвордим, бўлмади. Ноилож, мен ҳам пиёлага қўл теккизишга мажбур бўлдим. Ўзингиздан қолар гап йўқ, икки одам намойиш этган сеҳргарликнинг сеҳргарлиги қолмайди. Зийрак синфдошларимиз ҳийламизни фош қилдилар, бироз вақт кулгу бўлиб юрдик.

Сўз сеҳри ҳам шундай. Пулнинг қадри шу пул замиридаги мол-мулкнинг салмоғига монанд бўлгани каби сўзлар ҳам шу сўз замиридаги амаллар қийматига тенгдирлар.

Сўз ва амал бирлиги инсониятнинг буюк маънавий кашфиётидир. Шу ўринда боя зикр қилганим Анўшервони одил ҳақидаги бир ривоят ёдга тушди. Бу ривоятни ҳам раҳматлик отам айтиб бергандилар: Анўшервони одил арзга келган жабрдийдаларнинг барчаси ҳам сарой амалдорлари томонидан подшоҳ қабулига киритилавермаётганидан хабар топиб, қабулхонаси жойлашган кўча бетига деразадан ўзига кўринадиган қилиб баланд бир устун ўрнаттирибди. Бу устуннинг учига қўнғироқ маҳкамланган бўлиб, истаган бир арзгўй ҳалиги устунни силкитиши билан қўнғироқ жаранглар, Анўшервони одил шу одамни ўз қабулига таклиф қилиб, арзини тинглар экан. Нима ҳам бўлибди-ю, кунлардан бир кун ҳалиги устунга бир қўтир эшак келиб суйканибди. Подшоҳ одамларга эшакни бошлаб келишни буюрибди. Сипоҳийлар таажжубланиб, подшоҳга савол назари билан қараган эканлар, Анўшервони одил “Ахир, мен устунни силкитган жон бандасики бор, қабул қиламан деб айтганман, келтиринглар эшакни” дебди. Одамлар жониворни бошлаб келишгач, подшоҳ уни кўздан кечирибди. Эшак ниҳоятда афтода бир аҳволда экан. Эгасини излаб топишларини буюрибди. Эшакнинг эгаси келгач, шоҳ унга қараб дебди: “Эшагинг сенинг устингдан бизга арз қилиб келди. Ҳолига қара, сенга қанча йиллар хизмат қилибди-ю, у касал бўлгач кўчага ҳайдаб чиқарибсан. Ҳозир сен тегишли даррани егач, эшагингни уйингга олиб кетасан-да, даволатиб бўлгач, менга олиб келиб кўрсатасан”. Подшоҳнинг ҳамма айтганлари бажо келтирилибди.

Ҳатто жонзотларни алдашга ҳам юзи чидамаган бу улуғ подшоҳ ҳақида отам ҳамиша тўлқинланиб гапирар эдилар. “Ислом динида бўлмаган бўлсалар-да, феъл-атвори ҳақиқий мусулмонларникига хос бўлган” деб дуоларида Анўшервони одилни ҳам эслаб ўтар эдилар.

Биз ҳар бир эзгу сўзга ҳар қадамда эътибор кўрсатиб ҳаёт кечиришни ўрганмас эканмиз, маданиятли халқ бўла олмаймиз. Чунки ҳар бир эзгу сўзнинг замирида ана шу сўз ифода қилаётган маъно, моҳиятнинг ҳаёти пинҳондир. Ҳар бир эзгу сўз ўпкадан чиқаётган шунчаки бир шамол эмас, балки азалдан абадгача ҳаёт кечиришга муносиб мазмуннинг ватанидир.

Байрам кунлари эди, хорижлик шоир дўстим билан Урганч кўчасидан кетиб борар эдик. Шундоққина рўпарамизда ҳали-ҳали эндигина тили чиққан болакай қўлидаги шарчасини “қочириб” юборди-ю, маъсум бир куюнчаклик билан ниҳоятда ифодали қилиб “Афсус” деди. Ҳангу манг бўлиб қолдим. Менику қўяверинг, мен билан учинчи бир тилда сўзлашиб келаётган ҳамроҳим “Бу сўз сизларда ҳам борми?” деди. “Ҳа, бор, - дедим. - Бироқ бу ёшдаги болакайлар ишлатадиган даражада фаол эмас эди. Пушаймонни англатади бу сўз”. “Бизда ҳам шундай, - деди меҳмон. - Бизда бу сўзнинг бир ўзиёқ гўзал бир мисра шеър бўла олади”. Шу бир сўз баҳона бўлиб, миллатлар бир-бирларидан аксар, эзгу сўзларни ўзлаштиришларини, бундай эзгу сўзлар, одатда, ўз ортидан эзгу амалларни ҳам етаклаб келишларини ўйлаб, бу мавзуда мароқ билан суҳбатлашиб кетдик.

Афсуски, ҳаётда баъзан бунинг акси ҳам бўлади.

**Матназар АБДУЛҲАКИМ**

(Давоми келгуси сонда)


Хўжаобод туманидаги Мадиёров номли ширкат хўжалиги аъзоларининг қувончи чексиз. Негаки яқинда бу ерда газ қувурлари ётқизилиб, 1000 дан ортиқ хонадон “зангори олов” билан таъминланди.
СУРАТДА: Нафисахон Шералиева ана шу қулайликдан мамнун.
Х.АРАББОЕВ олган сурат.

# ҚАЛОВИНИ ТОПГАН ТАДБИРКОРЛАР

(Боши 1-бетда)

Илгари корхонада фақат эшик-ромлар ишлаб чиқарилган бўлса, энди тикувчилик цехи ҳам фаолият кўрсата бошлади. Яна шифер ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишмоқчи.

Суҳбатимиз қизиб, Ғўс қишлоғига кириб борганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Ҳамроҳим етиб келдик, деди-ю қишлоқ фуқаролар йиғини идораси томон бошлади.

-Олдиндан айтиб қўяй, бу ерда деярли тўқсон фоиз одам ҳунарманд. Шунинг учун қўллари ҳам, тиллари ҳам узун.

### “БАРГАК” – ҚАРОЛИ ҲОЛВАСИ

-Аслида устачилик билан шуғулланаман, - дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Олим ака Мутайиров. – Эшик-ром ясаймиз, устахонамда 12 киши ишлаяпти. Мебелбоп ёғоч Ургутда кам, четдан келтирилгани қиммат. Шунинг учун ўтган ёзда бир тажриба ўтказгандик. Аррадан чиққан ёғоч қипиғини елимга аралаштириб қайнатдик. Сўнг озроқ совугач, уй саҳнини 2 сантиметр қалинликда суваб чиқдик. Зўр, полдан ортиқ бўлса ортиқки, кам эмас. Яна арзон, чиройли, текислигини айтмайсиз...

-Олим ака, устахонангизни ҳамма билади, “Баргак” ясашни айтинг, - гап ташлади Абдуҳафиз ака.

-“Баргак” – ўзимизнинг қаролидан тайёрланадиган маҳсулот. Қаролининг мевасини ҳам, туршагини ҳам бизда унча истеъмол қилишмайди. Шунинг учун у арзон. Бозордан туршагини 400 сўмдан 800 сўмгача сотиб оламиз. Катта қозонга яримлатиб сув соламиз-да, сувга тушмайдиган қилиб сим тўр (сетка) тортамиз. Устига қароли туршагини солиб, буғлаймиз. Буғланган туршак данагини ажратиб, мағзидан зувала ясаймиз. Шираси чиқиб кетмаслиги ва бир-бирига ёпишиб қолмаслиги учун ўсимлик ёғига ташлаб оламиз. Данакни ажратишда эҳтиёт бўлиш лозим, негаки пўсти ажралиб кетса мағзи заҳа ейди ва шираси чиқиб, сифати бузилади.

-Бир киши бир кунда қанча “Баргак” тайёрлаши мумкин?

-Бу қийин эмасу, лекин майда иш-да. Бир киши бир кунда 30 килограммча “Баргак” ясаши мумкин. Кўпроқ буғлаганда, қўшниларни ҳам ёрдамга чақирамиз. Ҳақига килоси учун 30 сўмдан тўлаймиз.

“Баргак”нинг мазаси қаролининг навига боғлиқ. Баҳорги қаролининг пўсти юпқароқ бўлганлиги учун маҳсулот сал мундайроқ, нархи ҳам арзон. Шунинг учун Россияга жўнатамиз. У ерда килоси 1000-1200 сўм атрофида. Икки кило қаролидан бир ярим кило “Баргак” ҳолва чиқади. Данагини 80-100 сўмдан сотамиз. Чунки ундан шифобахш ёғ олиш мумкин-да. Келажакда ўзимиз ёғ олишни ўйлаб қўйганмиз. Баҳорги нав данагининг мағзи камроқ бўлади. Ундан қаролини буғлашда кўмир ўрнида ишлатамиз.

-Қаролининг туршагини қаердан оласиз?

-Пахтачидан, Фарғона водийсидаги айрим туманлардан. У ёқларда кўп етиштирилади. Улгуржи нархда оламиз. Кўпчилик ҳозирданоқ фарғоналик боғбонлар билан шартнома тузиб, пулини ҳам тўлаб қўйишган.

### “ОЛМА ПАСТЕЛИ”ДАН КЎПРОҚ ОЛИБ КЕЛИНГ

-Россияга маҳсулотларимизни олиб борган йигитларга шундай буюртма беришибди, - дейди навбатдаги суҳбатдошимиз “Озода” хусусий фирмасининг директори Зикриё Ҳасанов. – Ишни асли бешиксозликдан бошлаганман. Аввал собиқ иттифоқ шаҳарларига тижорат ишлари билан бориб келардим. Юрт кезган одам кўп нарсани ўрганар экан. Турли-туман ширинликлар, қандолат маҳсулотларини бизга хориждан кириб келишини кўриб, хом ашёнинг барчаси ўзимизда-ку, нега энди четдан сотиб олишимиз керак, деган хаёл анчадан буён қийнаб келарди. Тўғри, хориждан турли хил технологиялар кириб келмоқда. Уни олиб ишлатишга барчанинг ҳам кучи, имконияти етмайди.

Қозон шаҳрида бўлганимда озарбайжонлик савдогарлар “Пастел” деб, олмадан тайёрланган ширинликни сотишаётганини кўрган эдим. Ўзимизда ясашга ҳаракат қилиб кўрдим, ёмон чиқмади. Олмани ювиб катта қозонга солиб қайнатдик. Қайнатилган картошкадек юмшоқ ҳолатга келгач, махсус ясалган ғалвирдан (уруғи ғалвирдан ўтиб кетмаслиги керак) ўтказдик. Ҳосил бўлган маҳсулотни 1 сантиметр қалинликда ёйиб чиқдик. Қуёшнинг иссиғида бир ярим-икки кунда қуриб қоқига айланди. Бай-бай, хуштаъмлиги, ширинлигини айтмайсизми!. Хоҳлаган ҳажмда кесиб оласиз. Бир-бирига ёпишиб қолмаслиги учун ўсимлик ёғи билан икки томонини ёғлаб оламиз. Бозорда одамлар “Бу нима?”, деб ҳайрон бўлишди. Россияга майиз олиб борадиган йигитлар килосини 1000-1200 сўмдан сотишди.

-Олмани қаердан олаяпсиз?

-Асосан Булунғурдан. Пишиқчиликда килоси 25-30 сўмдан тушади. 7 кило олмадан 1 кило “олма холваси” тайёрланади. Шу пайтгача 40 тоннага яқин олмани қайта ишладик. Чиқинди чиқармаймиз. Қолдиғи чорвага озуқа. Меҳнати оғир. Ёзнинг жазирамасида тунуканинг устига ҳарорат икки баробар бўлган пайтда пиширилган олмани ёйиб чиқиш осонмас. Олма пиширилгач, тезда ёйилмаса ачиб қолиши мумкин. Шу пайт қўшимча иш кучи ёллаб, кунига 2 минг сўмдан ҳақ тўлаймиз. Тайёрланган маҳсулотимизнинг килоси 250-300 сўмга тушади. Даромад ҳам шунга яраша. Аввало, ҳукуматимиздан миннатдормиз. Биздек тадбиркорларга шароитлар яратиб берган экан, нега энди бундан фойдаланмайлик экан. Келажакда каттароқ корхона қуриш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

**Икром РАСУЛОВ,**
**Адҳам ХАЙИТОВ.**

# УЧҚЎРҒОН МАЛИКАСИ

(Боши 1-бетда)

Деҳқон меҳнат қилаётган жойда барака ҳам бисёр. Далада ризқ-рўз яратаётганларнинг қувончидан қувонадиган, жони дилафгорларнинг дардларига малҳам бера оладиган фидойи аёллардан бири тумандаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги раисаси Сапия опа Раҳимовадир. Таниқли шоир Ҳабиб Саъдулла ўз очеркларининг бирида уни Учқўрғон маликасига қиёслаган экан.

Сапия опа билан қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг моҳияти, чигитни плёнка остига экишнинг афзалликлари, хўжалик иқтисодини оёққа турғизишда қўл келаётган омиллар, бозор шароитида аёлларнинг ўрни, болалар спортини ривожлантиришнинг аҳамияти хусусида мулоқот қилдик. Сапия опа келажакка ишонч кўзи билан боқишга одатланган экан. Унинг ҳар бир сўзидан ана шу нарса яққол сезилиб турибди.

Опа ўн олти ёшида, мактабнинг 9-синфида ўқиб юрган чоғларидаёқ ўқувчи ёшлар ишлаб чиқариш бригадасига етакчилик қилган. Ўшандаёқ хўжалик ва туман миқёсида танилади, қишлоқ хўжалиги илми даргаларининг назарига тушади. Шу-шу мазкур соҳанинг турли жабҳаларида раҳбарлик лавозимларида ишлаб келаётир. У нима топса ҳам қишлоқда топди, нимани бой берган бўлса ҳам она қишлоғида йўқотди. Қанча-қанча сувлар оқиб кетди. Оила қурди. Уч ўғил тарбиялаётир, уларнинг бирини уйлади. Турмуш ўртоғи Жалолиддин ака билан ибрат олса арзигулик оилани тебратиб келишаётир. Бахт келса шукр, дард келса сабр қилди. Эл-юрти, маҳалла-кўйининг оғирини енгил қилиб, қарияларнинг дуоларини олди.

Мана учинчи йилдирки, мазкур хўжаликка раҳбар. Хўжалик бош иқтисодчиси Эркин Отабоевдан олган маълумотларни таҳлил этиб, шундай хулосага келдим: Сапия опанинг қадами хўжаликка қутлуғ келибди. Ахир, қулоғигача қарз ботқоғига ботган, иқтисодий инқирозга юз тутган жамоани аёл боши билан қисқа муддатда оёққа турғазиб, иқтисодини ўнглашнинг ўзи бўладими! Бунинг учун қанча куч-ғайрат, сабр-матонат керак. Оғир бўлса ҳам айтаман, битта оиласини боқолмай "дод" деб юбораётган эркаклар қанча? Сапия опа эса бутун бошлиқ хўжалик юкини елкасида кўтариб юрибди, кўтарганда ҳам бошқалар хавас қилгудек.

Хўжаликда хоҳлайсанми, йўқми фойда олинмаса оёқ-қўл боғлиқдай гап. Ҳеч бир иш олға силжимайди. Қарзга нарса оладиган замонлар ўтиб кетаётир. Кўрпага қараб оёқ узатишга кўникиш керак. Шундай экан, бор билим ва маҳоратни ишга солиб, камроқ харажат қилиб, кўпроқ ва сифатлироқ пахта ва ғалла етиштириб, даромадни мўмайроқ олганларнинг ошиғи олчи.



2002 йил натижалари қандай бўлди? Пахта етиштириш шартнома режасидаги 2457 тонна ўрнига 2570 тонна қилиб уддаланди. Пахтачиликдан хўжалик 15 миллион 43 минг сўм соф даромад олди. Ўтган йили режада белгиланган 1702 тонна ўрнига 2197 тонна дон хирмони яратилди. Ғаллачиликдан хўжаликка 47 миллион 741 минг сўм соф фойда келди. Режани ортиғи билан бажарган оилавий пудратчилар қўшимча ҳақдан ташқари, 182 тонна буғдой ҳам олишди.

Кимки исрофгарчиликка йўл қўймай, агротехник тадбирларни мутахассислар ва тажрибали деҳқонлар билан бамаслаҳат, оби-тобида ўтказиб, тежамкорлик йўлини тутиб, минерал ўғитларни, уруғликни, ёнилғини, сувни белгиланган меъёрларда сарфлаб, техникага эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлса, улар доғда қолишмади. Ҳамёни миллионлаб пул кўрди. Масалан, Абдуғани Раҳимов бошлиқ пудратчилар пахта сотиш режасини 118,2 фоизга бажарди. Шундан 102,6 фоизи биринчи навга сотилди. Агар пудратчи пахтасининг кўп қисмини юқори навларга сотса, унинг чигити уруғлик сифатида қабул қилинади. Бу эса қўшимча юз минглаб сўм иқтисодий наф олиш имкониятини беради. Ғаллачиликда ҳам уруғлик етиштириш - иқтисодий манфаатдорлик манбаи.

Ўтган йили ширкат хўжалигида 492 тонна ўрнига 545,8 тонна пахта уруғлик учун топширилди.

-Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни ўтказишдан мақсад қишлоқ ҳаётини яхшилаш экан, демак уни охирига етказиш зарур, - дейди Сапия Раҳимова. – Пировард натижага эришиш йўлидаги турли кўринишлардаги ғов ва тўғаноқлардан халос бўлиш учун етарли қонуний асослар ва ҳукумат қарорлари қабул қилинган.

Яқинда қабул қилинган "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Президент Фармони ҳам шундан далолатдир. Фармонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини такомиллаштириш, дуч келинаётган муаммоларни бартараф этиш борасидаги чора-тадбирлар белгилаб берилган. Ҳужжатда фермерлик иқтисоди ночор хўжаликларда ташкил этилади, дейилгани айни муддао.

-Андижонликларнинг тажрибасига асосланиб плёнка остига чигит экиш мамлакатга кенг ёйилаётгани ва бу усул катта иқтисодий имкониятлар эшигини очаётгани рост, - деб сўзини давом эттиради опа. – Хўжалигимизда ўтган йили плёнка остига экилган бир гектар майдонда ҳосил етиштириш учун 426 минг 536 сўм сарфланиб, 466 минг 875 сўм даромад олинди. Бир гектар плёнка остига экилган майдондан 40 минг 339 сўм соф фойда кўрдик. Оддий усулда – очиқ майдонга чигит экилган бир гектар майдонда пахта етиштириш учун 389 минг 895 сўм сарфланиб, 405 минг 645 сўм даромад қилинди. Очиқ майдонда етиштирилган ҳар гектар пахта ҳосилидан 15 минг 666 сўм соф фойда олинди. 40 минг 339 сўм қаердаю, 15 минг 666 сўм қаерда?

Шоир Огаҳий айтганларидек, "роҳат муяссар бўлмас, то чекмасанг машаққат". Кўпроқ даромад олиш учун кўпроқ терлаш лозим бўлади. Тўғрисини айтсак, Андижонча усулда пахта етиштириш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Плёнка остига чигит экилган бир гектар майдонда 55 мингта уя бўлади. Чигитни ундириб, ниҳолларни қулоғини чиқариб олгунга қадар ҳар бир уяга деҳқоннинг бармоғи уч мартадан тегиши керак. Бу – жуда кунт ва зийраклик билан амалга ошириладиган нозик иш. Демак, пахтакор ҳар туп ниҳолни чақалоқни йўргаклагандек меҳрибонлик билан авайлаб-асрасагина натижа бўлади.

Кўриниб турибдики, бу ишнинг ҳадисини олганлар доғда қолмайди. Хўжалик пудратчилари эса андижонликлар усулида йилдан-йилга кўпроқ майдонларга чигит экишаётир. Бу йил ҳам шундай бўлди.

Ғаллакорларнинг ҳам умиди катта. Ғалла экилган майдонларга қараб кўз тўймайди кишининг. Майин эсган шаббодада мавж ураётган кўм-кўк майсалар кишининг руҳини кўтаради, бахри-дилини очади. Март ойининг сўнгги ўн кунлигидаёқ ғалла кўчатлари тўлиқ найчалади. Майдонлар пешма-пеш бегона ўтлардан тозаланиб, икки марта суғорилди. Азот, калий, фосфор ўғитлари эритмаси билан суспензия қилиб, занг касаллигини олдини олиш мақсадида ғалла кўчатлари баргидан озиқлантирилди.

Туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Баҳодир Охунов Сапия Раҳимова спорт соҳасига ҳам эътиборни кучайтираётганлигини айтганди. Дарҳақиқат, спорт билан мунтазам шуғулланган ёшлар кучли, серғайрат, соғлом ва мард бўлишади. Айниқса, спортга болаликдан меҳр қўйиб вояга етганларнинг меҳнати ҳам баракали бўлишини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Хўжалик ҳудудидаги спорт майдончалари замонавий қайта жиҳозланаётир. Фойдаланилмаётган биноларни кураш ва бокс залларига мослаштириш учун таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Очиқ теннис майдончаси қурилаётир. Шу йил ёзда ёпиқ теннис майдонини қуриш ҳам режалаштирилган. Болалар учун яратилаётган бундай имкониятдан барча мамнун.

Учқўрғондан Қамчиқ довони орқали пойтахтга қайтар эканмиз, тоғнинг энг юқорисида гупиллаб қор ёғаётганининг гувоҳи бўлдик, худди қишдагидек. Тоғу тошлар оппоқ қор билан қопланибди. Кўнгилларга таскин тушади. Баҳорнинг ўртасида қор ёғяптими, демак, сув мўл бўлади. Бу эса – баракали хирмонлар даракчиси. Демак, учқўрғонликларнинг ҳам эзгу ниятлари ижобат бўлади!

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" махсус мухбири.**
**Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

РИЗҚ

# "ГУРУЧ – РЎЗҒОРНИНГ БИР УСТУНИ"

***Сирдарё туманидаги "Валижон" фермер хўжалиги соҳиби Маззам Давлатов ўрни келганда гурунг беришни хуш кўради. Катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган бу инсоннинг гап-сўзлари доимо маънодор бўлади:***

-Ғалла ҳар бир рўзғорнинг "пошшоси". Агар уйда буғдой, ун бўлмаса, ҳеч нарса татимайди. Тўғри, турмушимиз бадастир бўлиши учун бошқаноз-неъматлар ҳам керак. Яшайдиган уйингизни кўз олдингизга келтиринг: иморат тик, рисоладагидек туриши учун унинг камида тўрт-олтита устуни бўлиши зарур. Рўзғор ҳам худди шундай гап: буғдой унинг битта устуни бўлса, гуруч, мой сингари неъматлар бошқа устунларидир. Ота-боболаримиз "Хонадонинг тинч, рўзғоринг обод бўлсин" дея дуо қилишлари бежиз эмас.

Маззам ака узоқ йиллар давомида деҳқончиликда катта тажриба тўплаган, эл-юрт корига яраб келаётган инсонлардан бири. 1992 йили биринчилардан бўлиб фермер хўжалиги ташкил этди ва унга йигитлик бурчини адо этиш чоғида ҳаётдан кўз юмган суюкли фарзанди Валижоннинг номини қўйди. Бундан буёнги барча эзгу ишларимни зурриёдимнинг пок руҳига бағишлайман, деган ниятда шундай йўл тутди. "Валижон" фермер хўжалиги тўрт йил давомида чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатди. Етиштирилган гўшт, сут маҳсулотлари болалар боғчалари ва бошқа муассасаларга етказиб берилди. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Аҳолининг гуручга бўлган талаби катта эканлигини, бу эҳтиёжни қондириш зарурлигини англаган М.Давлатов 1996 йилдан бошлаб экин майдонларини кенгайтириб, шоли етиштира бошлади. Жамоанинг бу соҳадаги тажрибаси йилдан-йилга ошиб, ҳосилдорликни кўпайтириб келмоқда. Чунончи, 2002 йили 71,3 тонна маҳсулот топширилиб, шартнома режаси зиёдаси билан адо этилди. Бу ютуққа ота қанотига кириб, унга мададкор бўлаётган фарзандлари – Турсунбой, Турғунбой, Комил, Жамол ва Алижонлар ҳам катта ҳисса қўшишди.

Гуруч деганда тўй-тантаналарда катта дошқозонлардан ҳовури кўтарилиб турган ўзбекнинг миллий таоми – палов кўз олдимизга келади. "Валижон" фермер хўжалиги аъзолари юртимиз тинч, шодиёналар кўп бўлишини ният қилиб, 2003 йилда ҳам катта хирмон уюшга бел боғлаганлар.

**Эгамберди СУЮНОВ**







ТОШКЕНТ ТРАКТОРИ:

# ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

(Боши 1-бетда)

-Қаердан олдингиз? – дедик.

-ТТЗдан, - деди у.

Шу гап баҳона Ўрта Осиёда ягона бўлган Тошкент трактор заводида бўлдик.

-Имкониятларимиз беқиёс, - дейди ТТЗ бош директори Муҳаммаджон Аҳмаджонов. – Бугун трактор ва тиркамалар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйганмиз. Ўтиш даври мураккабликлари туфайли ишлаб чиқариш бирмунча пасайган бўлса-да, замон ва деҳқон талабига мос, сифатли, йил-ўн икки ой далада тинмай ишлай оладиган тракторлар ишлаб чиқараяпмиз. 5 мингдан ортиқ киши иш билан таъминланган. 2001 йил 3 минг дона трактор ишлаб чиқарган бўлсак, шундан 2000 таси ширкат хўжалиги ва фермерларга лизинг асосида, қолган мингтаси накд пулга сотилди. Ўтган йили бу миқдор яна кўпайди, фойда ҳам шунга яраша.



Бош директорнинг айтишича, илгари деҳқон мулкдор эмас эди, мулк эгаси бўлишни хаёлига ҳам келтирмаган. Юқорининг кўрсатмасига амал қилиб, "план"ни бажариши керак, дея эрта тонгдан то қоронғу тушгунча даладан чиқмаган, косасиям оқармаган. Бугун яшаш, ишлаш, фикрлаш бошқача, яъни ер эгасини топган. Деҳқон хоҳласа, корхона қуриши, хоҳласа техника сотиб олиши мумкин. Бу йўлда ҳукуматимиз уларга шарт-шароитлар яратиб бермоқда. Янги техникаларнинг лизинг асосида берилаётгани ҳам қўшимча қулайликда.

-Дунё андозаларига мослаб техникамизни икки хил русумда, уч ва тўрт ғилдиракли қилиб ишлаб чиқараяпмиз, - дейди бош директор. – Улар ТТЗ100К.10, ТТЗ100К.11, ТТЗ80.10, ТТЗ80.11, ТТЗ60.10, ТТЗ60.11 русумли тракторлар ва шунингдек, хитойликлар билан ҳамкорликда BY300, BY304-2 минитракторларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Техникамизга чет элда ҳам қизиқиш ортмоқда. Ўтган йиллар мобайнида Туркия, Покистон, Миср, Туркманистон, Нигерия ва Африка давлатларига ҳам минглаб тракторларни экспорт қилдик.

Техникамиз 2000 мотосоат мобайнида механизаторнинг айбисиз бирор ишкали чиқиб қолса, таъмирлаб беришни зиммамизга оламиз. Бунинг учун жойларда алоҳида бригадаларимиз фаолият кўрсатмоқда. Жаҳон бозорида муносиб ўрнимизни топдик. Заводимиз дунёда трактор ишлаб чиқарадиган заводлар орасида кумуш медални, ТТЗ80.10, ТТЗ80.11 русумли тракторларимиз сифатлилиги жиҳатидан олтин медални қўлга киритди. Бундан фахрлансак арзийди. Бозордаги асосий рақобатчимиз Минск трактор заводи. Гапларимни ман-манликка йўймангу, тракторимиз йил-ўн икки ой даладан чиқмай ишлай олади. Бу ҳам деҳқон фойдасини кўзлаб, албатта. Техникамизни ҳар икки модификацияга келтириш мумкин дегандим. Сабаби шундаки, ТТЗ русумли тракторлар шудгор қилишдан тортиб, қатор ораларида юришга ва йиғим-терим ишларини бажаришга мослашган. Бошқа заводларнинг тракторлари фақат мавсумий ишларни эплайди, холос. Техникамизнинг афзаллик томонлари ҳам мана шунда. Деҳқоннинг истаган юмушини, хоҳлагандек, вақтида бажаришида.



Заводни айландик. Иш қизғин. Кимдир гайка бураяпти, кимдир электр пайвандлагични ишлатаяпти, яна кимдир синов майдончасида...

-Бу киши, - дейди ҳамроҳим Рустам ака, - Трансмиссия цехининг раҳбари Аҳмаджон Хўжамбердиев. Қўлидан келмайдиган иш йўқ. Мана бир неча йилдирки, ёшларга касб сирларини ўргатмоқда.

Йиғув цехига ўтдик. Бутун мўъжиза шу ерда. Сочилиб ётган қисмлар йиғилиб, деҳқон корига ярайдиган, оғирини енгил қиладиган ҳақиқий ўзбек трактори дунёга келаяпти.



Синов майдончасидаги бир хил зеб, чирой ва рангда терилиб қўйилган тракторларни томоша қилиб, рости кўзингиз қувнайди. Шу тракторлар замин бўйлаб, дашту адирларда хожасининг оғирини енгил қилиб, бойлигига бойлик қўшаётганлигини ўйлаб хурсанд бўлиб кетасан. Янги барибир янги-да. Кабинасида ўтирсангиз ўзингизни бошқача ҳис қиларкансиз, гўё енгил машинада ўтиргандек. Бошқариш осон, ўтирғичи юмшоққина. Эшигини ёпсангиз ташқаридаги шовқин эшитилмайди. Радиосини айтмайсиз... Овозининг тиниқ ва равонлигидан дилингиз яйрайди. Қизиқиб калитни бурайсиз. Оҳ-ҳо, овозини, соатдек чиққиллайди-я. Жойидан қўзғатдик. Ажабо, тасаввуримизда қолган қишлоқнинг эски, шалтоғи чиққан трактори қаердаю, ҳақиқий деҳқон бобони кутаётган бу техника қаерда. Тракторчи қўшнимиз бекорга хурсанд бўлмаган экан.

-Яқинда бир фермер беш йилдирки, трактори тиқ этмаганлигини айтиб қолди, - дейди бош директор М.Аҳмаджонов. – Сабабини сўраганимда, "Унга енгил машинамга қарагандек қарайман. Мойини, "техотини" вақтида бажараман. Чунки бунинг иши зўр, нархи ҳам "Нексия"-дан қиммат-да", дейди.

Унинг гапида жон бор. Бугунги техника кечаги колхозники эмас, хоҳласа кўчада, хоҳласа пайкалда қолдирадиган. У пайтлар техникага ҳеч кимнинг ичи ачимасди. Одамлар "менга нима", қабилида иш тутишарди. Энди улар тафаккурида мулкка эгалик ҳисси уйғонмоқда. Қўлидан келса, уддаласа, ишласин, фойда кўрсин. Ҳеч ким тўсқинлик қилмайди. Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармони деҳқон учун айни муддао бўлди. Қачонки, у ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиб, қонунга таянган ҳолда ҳисоб-китоб ва шартномаларни амалга оширса, натижа ҳам кўнгилдагидек самара беради.



-Пули бор деҳқон трактор олишда ҳеч иккиланмай, лизинг хизматисиз тўғридан-тўғри бизга мурожаат этиши мумкин, - дея сўзини давом эттирди М.Аҳмаджонов. – Айримлар заводдан накд пулга техника олиб бўлмайди, деганини эшитиб қоламан. Асло, ундай эмас. Нега пули бор деҳқонга хизмат қилмаслигимиз керак? Буюртмасига қараб, истаганидек хизмат кўрсата оламиз. Деҳқон шуни билишини истардим. Марҳамат! Фермерлару ижарачилар заводимизда ишлаб чиқарилган тракторлар ва эҳтиёт қисмларни бемалол сотиб олсин. Шартнома тузишса, пулни олдиндан тўлашса, бас. Масалан, бир дона ТТЗ80.10 тўрт ғилдиракли тракторнинг нархи 12 миллион 163 минг сўм. Қолганларининг нархи ҳам шу атрофда.

Очиғини айтганда, янги техника олса, деҳқон ортиқча харажат, ташвишлардан қутилади. Эски таъмирталаб техникани сотиб олиб, ҳам асабни, ҳам чўнтакни қийнагандан кўра, янгисини олиб, кўнгилни тўқ қилиб, 5-10 йил ишлатганга не етсин? Ишнинг кўзини билган фермерга техника унчалик қиммат эмас. Гап деҳқоннинг ўзида.

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ,**
**Бекзод ҲОТАМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбирлари.**



# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## БАҒДОДДА КЎЧА ЖАНГЛАРИ

***Кеча АҚШ қўшинлари Бағдод марказини ғарбий томондан ҳаво ва артиллерия ҳужумига йўлиқтирганлар. Республика гвардиячилари эса тобора ўз мавқеларини йўқотиб бораётган бўлиб, Тигр дарёсининг ғарбий қирғоғида тўқнашувлар давом этмоқда.***



Дунёнинг 48 давлати қўллаб-қувватлаётган иттифоқчилар кучлари Ироқнинг энг катта иккинчи шаҳри саналган Басра ва Бағдод аэропортидан сўнг "Ар-Рашид" авиабазасини ҳам эгаллаганлар. Шунингдек, иттифоқчилар президент Саддам Ҳусайнга тегишли саройлардан асосийсини ҳам ўз назоратларига олганлар. Ҳозирда эса Бағдодда кўча жанглари давом этаяпти, дея хабар беради "Ассошиэйтед-Пресс" агентлиги.

## ТИКЛАНИШ ИШЛАРИ БОШЛАНАДИ

***Урушдан сўнг Ироқдаги бошқарувни назоратга олиш мақсадида тузилган АҚШнинг махсус ташкилоти вакиллари мамлакат жанубидаги Умм-Қаср порт шаҳрида ишни бошлаганлар.***




Уларга Ироқнинг шимолий, марказий ва жанубий қисмларида тикланиш ишларига масъул бўлган уч кишидан бири, яъни АҚШ армиясининг собиқ генерали Бак Уолтерс бошчилик қилмоқда. Умм-Қасрга келган Уолтерснинг айтишича, унинг гуруҳи мактаблар қуриш, ишчи ўринларини яратиш, аҳолини ичимлик суви ва тиббий хизмат билан таъминлаш йўналишларида иш олиб боради. Шимолий Ирландиянинг Белфаст шаҳрида Буюк Британия бош вазири Тони Блэр билан учрашув ўтказган АҚШ президенти Жорж Буш урушдан сўнг Ироқдаги ҳамма соҳа бўйича амалга ошириладжак тикланиш жараёнларида БМТ муҳим рол ўйнашини маълум қилган, дейилади BBC News тарқатган хабарда.

## ЕВРОПАГА САФАР

***БМТ бош котиби Кофи Аннан кеча Европанинг Буюк Британия, Франция, Германия давлатлари бўйлаб сафарга чиқди, дея хабар беради "Новости" ахборот маҳкамаси.***



Сафар давомида Кофи Аннан бош вазир Тони Блэр, президент Жак Ширак ҳамда канцлер Герхард Шрёдерлар билан учрашади ва БМТнинг урушдан сўнг Ироқда тутган роли хусусида фикр алмашади. Шунингдек, бош котиб Россия президенти Владимир Путин таклифига биноан 12 апрел куни Санкт-Петербург шаҳрида Россия, Франция, Германия давлатлари раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтадиган саммитда ҳам иштирок этади. Мазкур саммитда ҳам Ироқ, хусусан, уни сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маъмурий жиҳатлардан тиклаш масаласи кўриб чиқилади.

## ОСИЁДАН ЧИҚҚАН КАСАЛЛИК

***Мўғулистон ҳукумати бугун тез тарқалиб бораётган номаълум SARS касаллигидан ҳимояланиш учун керак бўладиган тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар бўйича хорижий давлатлардан молиявий ёрдам сўраш ниятида.***



Мўғулистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг билдиришича, ҳозир бу юқумли касалликка чалинганлар йўқ. Лекин, Осиёда тобора кенг тарқалаётганлиги хавотирли ҳол. Қўшни Қозоғистон Республикасининг Павлодар шаҳрида 48 ёшли эркакда касаллик аломатлари кузатилганлиги боис, у шифохонага ётқизилган. Март ойида Таиландга борган бу киши ватанига қайтгач, унда ҳолсизланиш, ҳарорат кўтарилиши кузатилган. Ҳозир шифокорлар уни кўрикдан ўтказмоқдалар ва шундан сўнг унга аниқ ташхис қўйилади. Бугун SARS дунёнинг 32 давлатига тарқалган бўлиб, ундан ҳалок бўлганлар сони 1000 кишидан ортиб кетди.

## ЁҚУТИСТОНДА МОТАМ КУНИ

***Кеча Ёқутистонда мотам куни эълон қилинди. Боиси, 7 апрел куни Вилюйск шаҳридан 22 километр узоқликда жойлашган Сидибал қишлоғидаги мактабнинг тўлиқ ёниб кетиши натижасида 22 нафар ўқувчи ҳалок бўлган эди.***



Маълум бўлишича, душанба куни эрталаб 1- соатга қўнғироқ чалинганидан бироз ўтиб юз берган ёнғин тезлик билан ёғочдан қурилган 2 қаватли бинони эгаллаб олган. Ўқувчиларнинг аксарияти юзага келган заҳарли газдан ҳалок бўлган. Шунингдек, фожиа туфайли 39 киши ҳам жароҳат олган. Республика ҳукумати эса марҳумлар оилаларига 100 минг, жабрланганларга 50 минг рубл компенсация берилишини ва эски мактаб ўрнида 120 ўринли янги мактаб қурилишини маълум қилди.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

**АКЦИЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**
"Иржар пахта тозалаш" акциядорлик жамияти кузатув кенгаши 2002 йил якуни бўйича ўтказиладиган акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши 2003 йил 26 май кунига кўчирилганлигини маълум қилади.
**Кузатув кенгаши**

**АКЦИЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**
"Дўстлик пахта тозалаш" акциядорлик жамияти кузатув кенгаши 2002 йил якуни бўйича ўтказиладиган акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши 2003 йил 27 май кунига кўчирилганлигини маълум қилади.
**Кузатув кенгаши**

**АКЦИЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**
"Уч-тепа пахта тозалаш" акциядорлик жамияти кузатув кенгаши 2002 йил якуни бўйича ўтказиладиган акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши 2003 йил 21 май кунига кўчирилганлигини маълум қилади.
**Кузатув кенгаши**

**АКЦИЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**
"Даштобод пахта тозалаш" акциядорлик жамияти кузатув кенгаши 2002 йил якуни бўйича ўтказиладиган акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши 2003 йил 22 май кунига кўчирилганлигини маълум қилади.
**Кузатув кенгаши**

**АКЦИЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**
"Зафаробод пахта тозалаш" акциядорлик жамияти кузатув кенгаши 2002 йил якуни бўйича ўтказиладиган акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши 2003 йил 23 май кунига кўчирилганлигини маълум қилади.
**Кузатув кенгаши**

**АКЦИЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**
"Жиззах-Автотрактор" акциядорлик жамияти кузатув кенгаши 2002 йил якуни бўйича ўтказиладиган акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши 2003 йил 16 май кунига кўчирилганлигини маълум қилади.
**Кузатув кенгаши**

**АКЦИЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**
"Жиззахпахтасаноат" акциядорлик бирлашмаси кузатув кенгаши 2002 йил якуни бўйича ўтказиладиган акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши 2003 йил 26 май кунига кўчирилганлигини маълум қилади.
**Кузатув кенгаши**

# ЁЗУВЧИНИНГ НАЗАРИЙ МАКТАБИ

***Ҳар бир шахс ўзи яшаб турган жамиятнинг фуқароси. Ҳар бир ёзувчи ўзи мансуб бўлган адабиётнинг вакили.***

Шу маънода Абдулла Қодирий ХХ аср ўзбек адабиётининг йирик намоёндасидир. У яратган асарлардаги образлар сочидан тирноғигача қадар бутунасига – ўзбек. Адиб қаҳрамонларининг ўқувчи кўз ўнгида янада яққолроқ намоён қилиш мақсадида ўз услуби ва ижодий салоҳиятидан келиб чиқиб, назарий мушоҳадаларини қуйидагича баён қилади. "Ёзувчи бўладиган ҳар бир киши адабиётдаги оқим ва мактабларни яхши билиб олиши керак, - деб ёзади у. – Энг яхши ёзувчиларнинг асарларини бир неча қайталаб ўқиш зарур..."

Ижод майдонида ўз малака ва кўникмасига эга бўлган Қодирий, аввало, ўз фикрларининг амалиётда ўзи тасдиқлагувчилардан эди. Фикримиз исботи учун 1938 йил январ ойларида (Қодирий 1937 йил 31 декабрида қамоққа олинган) у билан бир камерада ётган Содиқ Маъсумовнинг хотираларидан мисол келтирамиз...

"...Бир кун завқлари келиб, Шарқ адабиёти ҳақида узоқ сўзлаб бердилар. Мен ҳам Шарқ кишисиман, адабиётимизни ўз ҳолимча яхши билгувчилардан саналардим. Бироқ у кишининг Шарқ адабиёти борасидаги билимлари олдида меники йўқ деса бўлар эди. Қодирий араб, форс, турк мумтоз адабиётини тўла ўрганиб чиққан десам, янглишмайман. Қуръон таржимасини, ҳинд фалсафасини шу кишидан эшитдим ва "Шарқ адабиётининг билимдони" деган фикр кўнглимдан кечди". ("Қодирийни қумсаб". Ёднома. Т. 1994 йил. 38-бет).

Атоқли шарқшунос Е.Э.Бертельс таъбири билан айтганда, "ўзбек романчилик мактаби"га асос солган Абдулла Қодирий "Ўтган кунлар"ни яратиш баробарида юқорида айтганимиздек, ўзига хос назарий мактаб ҳам ярата олди. "Қалам ўқлоғи, адабиёт – кетмон бозори эмас, - деб ёзган эди у. – Йўсинсиз равишда хотирага келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилат саналмайди. Сўз қолип, фикр унинг ичига қуйилган ғишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан пишиб чиққач, янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин".

Эътиборингизни "Ўтган кунлар"дан олинган мана бу парчага қаратсам:

"-Мен сизга айтиб қўяй, Кумуш, - деди турар экан, қутидор Офтобойимга, – бу кунга бир меҳмон айтган эдим".

Англашиладики, Мирзакарим қутидорникига келадиган меҳмон шубҳасиз – Отабек. Зиё шоҳичиникида "Хон қизига лойиқ бир йигит" номига муяссар бўлган тошкентлик меҳмоннинг Марғилонда эъзозланиши, аниқроғи, қутидор хонадонига таклиф этилиши уни яна бир бор қайта кашф этмоқ эди. Қизиғи шундаки, қутидор меҳмон келиши ҳақидаги хабарда Кумушнинг номини тилга олиб, гапни Офтобойимга айтади. Нима учун?! Фикри озижимизча, биринчидан, ўзбекчиликда эр-хотин бир-бирини биринчи фарзанднинг номини айтиб чақириши мавжуд ҳодиса. Иккинчидан, айтиладиган меҳмон – Отабек, мезбон томонидан "киройи куёвинг шундоқ бўлса", деган лутфга сазовор бўлганди. Айни фурсатда эса қутидор қизида бўлажак куёвга нисбатан кўникма ҳосил қилиш зарур эди. Бундан шу нарса маълум бўладики, ёзувчининг ўзи айтмоқчидек, ҳар бир детал, ҳар бир қаҳрамон нутқи асар мавзусига мос равишда танлаб олиниши ва айни вақтда ўқувчини ишонтира олиши ҳам керак.

Одатда ёзувчининг реалистик тасвирга мойиллиги, қолаверса, унинг қанчалик замон ва макон муаммоларига бўлган муносабати кўп суриштирилади. Шу ўринда аллома ёзувчи Асқад Мухторнинг мана шу сўзларини эслаш ўринли: "Тепада турган одам уфқнинг ярмини кўради, тоғнинг энг баланд чўққисида турган одам уфқнинг давомини ҳам кўради". Гап шундаки, Қодирийнинг чўнг қоя мисол ижод мактабига, аниқроғи, назарий оламига бир қур назар ташлаган одам бу сўзларнинг мазмун-моҳиятини тўла англаб етиши, табиий. Негаки, адибнинг ҳар иккала романида ҳам ишонтириш хусусияти бениҳоя кучли. Бизнингча, айнан шугина ижодий услуб, асарлардаги мукаммалликни таъминламаган. Яна битта ютуқ бу - ёзувчининг психологик тасвир қудратига эгалигидир.

Яна "Ўтган кунлар"га қайтамиз:

Кумушбиби Зайнаб томонидан заҳарланиб, боқий дунё саодатига эришган... Отабек кечаси билан суюкли ёрининг қабри ёнида тунаб чиққан... Шунда унинг ёнига... Зайнаб келади. Мана ўша эпизод:

"-Кет мундан!

-Мен Кумуш! – деди яна Зайнаб; аммо кетмай иложи қолмади. Зероки, дунёдаги энг яқин кишиси унга "кет!" амрини берган эди".

Эътибор қилинг! Бутун аҳвол – руҳияси билан телбанамо қиёфага кирган Зайнаб, ўзини "Кумуш", дея танитишни истайди. Сабаб?! Сабабки, у ҳам Отабекни, аниқроқ қилиб айтсак, "жонсиз ҳайкал"ни севарди-да! Шу боисдан ҳам у муаллиф томонидан "энг яқин киши" сифатида сийланади.

Умуман олганда, Қодирийнинг назарий олами бой. Унинг ижод маҳсули ҳисобланган асарлари эса умрбоқийдир.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

# ЁРҚИН ЮЛДУЗ ШУЪЛАСИ

(Боши 1-бетда)

Аксинча, ҳаёт ўзгаргани, даврлар карвони ўтгани сайин Абдулла Қодирий юлдузи янада ёрқинроқ ва порлоқлик касб этиб бормоқда.

Бугунги китобхон роман деганда ёзувчи ижодий хаёлининг маҳсули бўлган воқеалар тизмасини ва шу тизим орқали ифодаланган давр ёки қаҳрамон ҳаёти тасвирини назарда тутади. Аммо Отабек ва Кумуш каби қаҳрамонларнинг ўта ҳаётий ва ҳаққоний тасвир этилганлиги туфайли у бундай қаҳрамонларни ҳаётда бўлган, яшаган кишилар, деб ўйлайди.

"Ўтган кунлар" романи пайдо бўлибдики, китобхон Отабек ва Кумуш образларининг ҳаётий илдизларини ахтариб келади. Кимнингдир назарида Абдулла Қодирий Отабек образида унинг "бобо"сини тасвирлаган, яна кимнингдир назарида эса Кумуш унинг нақ "катта бувиси" бўлиб чиқади. Аслида шундай соддадил китобхонларнинг умид ва ишончлари романга берилган энг юксак баҳодир.



Маҳмуд ЖЎРАЕВ чизган расм.

Аммо шунга қарамай, ҳурматли муштарийларни романнинг яратилиш тарихи билан таништириш ва қаҳрамонларнинг прототиплари масаласига ойдинлик киритиш биз – адабиётшуносларнинг бурчимиздир.

Абдулла Қодирийнинг боғ қўшниси бўлган Ёқуб Алиев исм-шарифли кишининг айтишича, адиб "Ўтган кунлар"нинг ижодий тарихи масаласида унга бундай сўзларни айтган:

"Қарийб ярим умрини хон замонларида яшаган, талай ўтмиш воқеаларининг шоҳиди бўлган отам ёшлигида қизиқ-қизиқ хотираларни сўзлаб берарди..."

Кунларнинг бирида боғимизга отамни кўргани эшак миниб, шаҳардан бир чол меҳмон бўлиб чиқди. Меҳмонни мен танимасдим. У отамнинг эски қадрдони экан. Меҳмон қилдик. Отам шу чоғларда юз ёшларда бўлиб, меҳмон эса ундан беш-ўн ёш кичик кўринар эди. Улар суҳбат қиларкан, қулоқлари оғирлашиб қолгани учун бир-бирларининг сўзларини яхши эшита олмас эдилар. Шу сабабли менга улар ўртасида тилмоч бўлиб, чой қуйиб ўтиришга тўғри келди. Отам меҳмондан сўради: "Андижондаги хотинингиздан неча болангиз бор?.." Уларнинг суҳбатидан мен англадимки, бу меҳмон тошкентлик бўлиб, уйли-жойли, бола-чақали киши экан. Аммо, ёшлик чоғларида савдо важи билан Андижонга бориб қолиб, у ерда кўп йиллар истиқомат қилган. Андижондан ҳам уйланиб, бола-чақали бўлган ва кексайгач, ўз шаҳарига келган экан".

"Ўтган кунлар" романининг яратилишига туртки берган воқеа шундан иборат. Отабек образига "хамиртуруш" бўлиб хизмат қилган прототип ҳам ана шу киши. Абдулла Қодирий бадиий тўқимадан самарали фойдаланган ҳолда ана шу кичик воқеа асосида биринчи ўзбек тарихий романини яратган. Бинобарин, ушбу асар, биринчи навбатда, адиб истеъдоди ва ижодий меҳнатининг фавқулодда буюк самарасидир.

Роман араб имлосида нашр этилгани учун нафақат ўзбек, балки қозоқ, қирғиз, туркман, татар китобхонлари ўртасида ҳам ғоят машҳур бўлиб кетди. У ҳатто 1936 йили бир гуруҳ қаламкаш биродарлари билан Татаристонга борганида, "Ўтган кунлар" татар халқининг ҳам энг севимли китобига айланганлигини ўз кўзи билан кўрган. Маҳаллий китобхонлардан бири роман муаллифига азбаройи меҳр қўйгани туфайли ҳатто соҳибжамол қизини адибга инъом этган.

Адибнинг мислсиз даражада катта обрў-эътибор қозониши нафақат ўртамиёна ёзувчилар, балки собиқ совет давлатига ҳам эриш туюлди. Айниқса, республика раҳбарлари буюртмаси билан ёзилган "Обид кетмон" қиссасининг "Ўтган кунлар" даражасига эришмаганлигида шубҳали ўринлар бордек эди. 1937 йили мамлакатимизда авж олган қама-қама кунларида зийрак кимсалар тегишли идоралар эътиборини худди шу масалага жалб этмоқчи бўлдилар. Ўша кезларда Ёзувчилар уюшмасининг фоний котибларидан бири йиғилиш эътиборини Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Усмон Носирнинг "қилмишлари"га қаратиб, жумладан, бундай деди:

"...Жулқунбой бу ҳурмат ва эҳтиромларга нисбатан совет жамоатчилиги учун қандай асарлар яратиб берди? "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён" сингари (унинг идеясидан қатъий назар!) бадиий юксак асар ярата олган Жулқунбой нима учун "Обид кетмон"ни бадиий юксак қилиб яратмади? Агарда у истаса ярата олмасмиди? Гап худди шу "истаги"да эканлигини алоҳида чизиб ўтиш керак. Унинг бу ҳаракати ҳам ўзича бир "йўл" эди: "Ўқувчилар билсинларки, совет мафкурасида советлар учун курашган, коллектив ҳаёт учун жонбозлик қилган меҳнаткашлар ҳаётини бадиий асар ҳазм қилолмайди", - демоқчи Жулқунбой...

Жулқунбой 5 йил мобайнида кўзга кўринарли ва тақдирга лойиқ асар бермади. Ўртоқ Икромов ёзувчилар билан бўлган учрашувда ёзувчиларнинг олдига яхши ва доно талаблар қўйди... Шу учрашувдаёқ Жулқунбойдан қандай асар устида ишлаётганлиги сўралганда: "Мен "Ўтган кунлар"дан ҳам юқорироқ чиқмоқчиман", деб жавоб берди. Бу нима деган сўз? "Мен эски ғоямдан ғолиб чиқа олмайман, мен хонлар ботқоғига ўрганганман, овора бўлма!" деган гапнинг ўзгинаси эмасми?!

...Жулқунбой ҳақида гапиракканмиз, кўп нарсаларга тўхталишимиз керак. У ифлос ғоясини очиқдан-очиқ ёзувчилар орасига сепиб, кўп кишиларга таъсир қилиб келаётир. Масалан, 35-йилда тўрт-беш ёзувчи билан бўлган бир ўтиришда Жулқунбой ҳеч тортинмасдан эълон қилди: "Сизлар ёзувчи эмас, нодонсизлар. Мана менинг 15 миллион умматим бор" деди. Унга қарши турган бир ёзувчи "Сенинг 15 миллион умматинг менинг жамиятим тирноғига арзимайди" деганида у яна очиқдан-очиқ: "Жамиятингга тупураман" деди..."

Даҳшатли 1937 йилда, мудҳиш давр тақозоси билан, улуғ адибларимиз шаънига бундай ҳақоратомуз ва тухматомуз сўзлар кўп айтилган. Биз орадан қарийб етмиш йил ўтгач, бундай сўзларни айтгани учун кимнидир қораламоқчи эмасмиз. Аммо шуниси ҳам борки, Абдулла Қодирий сингари адибларнинг маҳв этилишига шундай "маълумот" ва "фактлар" сабаб бўлганлиги шубҳасиздир.

Нотиқнинг бу ва бундан кейинги сўзларида келтирилган "фактлар" Абдулла Қодирийнинг кўп масалаларда ҳақ ва жасоратли адиб бўлгани, узоқни кўра олгани, ҳар қандай тазйиқларга қарамай, яна ўзбек халқи тарихига мурожаат этиб, "Ўтган кунлар" билан баҳслаша оладиган романни яратмоқчи бўлганидан шаҳодат беради. Афсуски, адибнинг Қўқон хонлиги ҳаётидан ҳикоя қилувчи сўнгги асари бизга етиб келмади. Лекин, бахтимизга, унинг икки буюк романи, талайгина ичакузди ҳикоялари ва яна бир неча насрий асарлари борки, улар бизнинг маданий ва маърифий бойлигимиздир.

**Наим КАРИМОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**

# СПОРТ ОЛАМИДА

## МАРАФОН ЎТКАЗИЛДИ

***Ёшларимизнинг келажакда маънан етук, жисмонан соғлом, ақлан баркамол бўлиб вояга етишларида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёс.***

Куни кеча Тошкент шаҳрида ёшлар иштирокида бўлиб ўтган югуриш марафони Бутунжаҳон саломатлик куни муносабати билан уюштирилди. Унда пойтахт олий ўқув юртларининг талабалари қатнашишди. Байрамона руҳда уюштирилган ушбу мусобақа якунида Тошкент Давлат техника университети ҳамда Ўзбекистон Миллий университети талабалари бошқалардан кўра чаққонроқ, эпчилроқ эканликларини исботлашди. Ғолибликни қўлга киритган жамоага мутасаддиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

## МУСОБАҚАЛАР БОШЛАНДИ

***Куни кеча Тошкент шаҳридаги "Ёшлик" спорт мажмуасида акробатика бўйича Ўзбекистон биринчилиги баҳсларига старт берилди.***

Унда ғолиблик учун Тошкент шаҳар, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Андижон ва бошқа вилоятлардан жамоалар ўзаро муросасиз кураш олиб боришмоқда. Дастлабки мувозанатни сақлаш йўналиши бўйича беллашувлар бўлиб ўтди. Ғолиблар эртага маълум бўлади ва улар биринчиликнинг совринлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

## УСТОЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

***Истиқлол шарофати туфайли мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт ривожига катта аҳамият қаратилаётгани ҳеч кимга сир эмас.***

Келажагимиз ворислари - ёшларимизнинг маънан баркамол, жисмонан бақувват бўлиб вояга етишларига имкон яратиш мақсадида мактабларда, ўрта махсус билим юртларида ва олий ўқув юртларида таҳсил олаётганлар ўртасида турли хил спорт мусобақалари уюштирилаётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Яқинда шаҳримизда яна бир ўзига хос мусобақа уюштирилди. Тошкентдаги олий ўқув юртлари ўқитувчилари ўртасида уюштирилган спартакиада беллашувлари қизиқарли, муросасиз кечди. Унда ғолиблик учун кураш олиб борган устозлар спортнинг футбол, волейбол ва баскетбол турлари бўйича ўзаро куч синашишди. Волейбол беллашувларини дастлаб 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти ҳамда Тошкент фармацевтика институти жамоалари бошлаб беришди. Устозларнинг чаққонлик, эпчиллик, билимдонлик каби хислатларини синаш мақсадида ташкиллаштирилган ушбу баҳслар якунида ғолибларга эсдалик совғалари туҳфа этилди.

## БЕЛЛАШУВГА ОЗ ҚОЛДИ

***Юртимизда мини-футбол бўйича турнирларнинг кўплаб ташкил этилаётганлиги ушбу спорт турининг ёшлар орасида янада оммалашишига хизмат қилади, албатта.***

Шу боисми, 13-17 апрел кунлари Наманган ва Жиззах шаҳарларида мини-футбол бўйича Ўзбекистон Кубогининг 3-тур босқичи бўлиб ўтади. Бунда 12 жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун кураш олиш боради. Пойтахтимиз шарафини "А" гуруҳида "Нефтгазконцерт" жамоаси ҳимоя қилади.

## АЛОҚАЧИЛАР БИРИНЧИ ЎРИНДА

***Ўтган йилдан талабалар ўртасида мини-футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари ўтказиб келинди.***

Куни кеча эса Тошкент шаҳри олий таълим муассасалари жамоаларининг III-босқич мусобақалари якунланди. 12 жамоа иштирокида 10 кун давом этган ушбу баҳсларда Республика ҳудудий мусобақаларига йўлланма олган жамоа аниқланди. Мусобақа якунига кўра биринчи ўринни Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси эгаллаган бўлса, иккинчи, учинчи ўринлар Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаларига насиб этди.

## "РЕАЛ"НИНГ ҒАЛАБАСИ

***Чемпионлар лигаси чорак финал ўйинларини бошлаб берган Мадриднинг "Реал" клуби Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клуби устидан 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди.***



Алекс Фергюссон шогирдларини ўз уйида қабул қилган, ўтган йилги чемпион мадридликлар ўйин давомида ўз устунлигини яна бир бор намойиш этдилар. Биринчи бўлимда Луиш Фигу ва Раул рақиб дарвозасига иккита гол киритган бўлса, иккинчи бўлимнинг бошидаёқ яна ўша Раул ҳисобни 3:0 га етказди. Бироқ, инглизлардан Рууд ван Нистелрой орадаги фарқни бироз қисқартиришга улгурди. Шунингдек, Голландиянинг "Аякс" ва Италиянинг "Милан" жамоалари ўртасидаги ўйин 0:0 ҳисобида якунланди. Жавоб учрашувлари 23 апрел куни бўлиб ўтади.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

---

Тошкент Давлат Университети томонидан 1976 йили № 8795 қайд этиш рақами билан Баскакова (Подгурская) Елена Михайловна номига берилган А-II № 195939 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси томонидан 2001 йили Ф.А.Юлдашева номига берилган Ер кадастри ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Объявленное в газете "Мулкдор" №15 от 4.04.2003 г. общее годовое собрание акционеров АООТ "Тошкент сув омбори қурилиш-монтаж бошқармаси" на 15.04.2003 г. состоится 12 мая 2003 года в 14.00 по адресу: Ташкентская область, Уртачирчикский район, посёлок Туябугуз, ул.Мустакиллик, 8.

**Наблюдательный совет АООТ ТСО КМБ**

Объявленное в газете "Мулкдор" №15 от 4.04.2003 г. общее годовое собрание акционеров АООТ "АТП-1" на 15.04.2003 г. состоится 12 мая 2003 года в 14.00 по адресу: Ташкентская область, Пскентский район, посёлок Мингурик.

**Наблюдательный совет АООТ "АТП-1"**

Тошкент шаҳар Чилонзор туманида яшовчи Хапизов Рустам Адизович номига 1999 йил 21 январда берилган 08 – 01/28088 рақамли квартира ордери йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

# ЎЗБАК БОБО

**Шукур ХОЛМИРЗАЕВ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

**ҚИССАДАН ПАРЧА**

**(Боши ўтган сонларда)**

- Айтабер, айтабер, - деб жилмайди қария.

- Айтсам... - Қисматиллонинг кўзларида ҳақиқатан ҳам ёш ғилтиллади. - Жуда қийналиб қолдик-да, полвон бобо. Сизга ёлғон, Худога чин қамоқда яшаяпмиз. Бола-чақам билан. Фақат миршаблар йўқ... йўқ, кулманг сиз. У ердан кўп ўтгансиз. Шу қишлоқчанинг устидан. Э, уни босиб ўтмаган одам борми? Киночилар ҳам бу уяларда қандай чумчуқлар яшар экан, деб келишади. Уларга... экзотика керак. Қандай яшаётганим билан нима иши бор. Кўз олдингизга келтиринг бир!

- Кеб турипти, кеб турибти, - деди полвон бобо жилмайиши тарқалиб ва нари-берига кўз солиб, бирдан бўйраларга ҳужум қилгандек жилди. Ва уларни олиб, белбоғини бир бармоғида узиб юборди. (Чилвир чириб ҳам кетган экан). Кейин кўрпача қоқадигандек қилиб четларидан тутиб бир силкитган эди, бари бўйра ёйилиб кетди. Қария уларни яна бир қоқиб келиб, супа лабига ташлади. Сўнг пастга тушиб, бўйрага ўтириб олди. - Ке, туш. Ўтир. Чўққайиб турасанма? Шу ердаям эшитаман гапингни. Пақат жиламай гапир.

- Э, бобожон-е, куним калта бўлди. - Қисматилло супадан тушиб, бўйрага чўкди ва пешонасига бир шапати тушириб, яна сигарет чиқарди.

- Э, шуни чакма, саситма, - деб дўқ килди бобо.

- Кечирасиз, кайф-да. Майли, чекмайман... Ҳим, шундай қилиб, - бирдан овози титрабкўтарилиб кетди. - Ҳақиқатан ҳам қандайдир жониворлар учун қурилган оғилхоналарни эслатади. Қизиқ, қандай қилиб шуларни қуриб яшашни ўйлашган экан, дейман. Пастда, анҳорнинг пастида олам-жаҳон ер бор. Сув бор. Экса-тикса бўлади-ку денг? Йўқ, бизнинг уруғ... шу ерларга етиб келишгач, шу тоғнинг бағрида бир-бирига мингаштириб кулбалар солишган экан. Ғуж бўлиб яшаш учунми, ким билади. Ёвга юрак олдириб қўйган-да, шўрликлар.

- Кенагас дермиди уруғларингни? - Чол сигаретга қарши бўлгани билан носнинг кайфига қаршимас шекилли, чопони ичидан тикилган киссасидан Шокирвой студентлигида Самарқанддан ўта туриб олиб келгани ялтироқ жигарранг носқовоқни олиб, кафтига бир силкитиб, бир чимдим нос отди.

Уни беихтиёр кузатиб турган Қисматилло хушёр тортиб:

- Ҳа, кенагас, - деди. Ва тағин овози товлана бошлади. - Отам айтар эди-да, шундай-шундай деб. Ҳозир... одамларнинг эсидан чиқиб кетган уруғиям. Уруғ-уруғ - сизнинг қўнғирот экан. Бағри кенг! Бекорга айтмас экан уккағар отам: «Шокир билан жўра бўл. У - қўнғиротти боласи. Қўнғирот - ўзбакнинг бели. Хўш, унга яқин юрган одам кам бўлмайди», деб. Хе, бор бўлинг, бобожон.

- Гапинг шала қол,ци.

- Ҳа-ҳа, шала, шала... - Қисматилло зўрға илжайиб давом этмоқчи бўлди-ю, афтидан, гапнинг учини йўқотди. Ниҳоят: - Э, энди... ўша кулбаларда ҳозир мол ҳам яшамайди, ўлай агар, - деди. - Ахир бир туп, биргина туп дарахт бўлмаса... кўкармаса. Ахир, ичар сувниям пастдаги анҳордан ташиймиз-да! Отамга бўлса, у уйлар ёқар эди. Ёқар эди. Эс эс биламан, ўшанда раҳматли онам айтар эди: «Пастга энинг, чол. Калхўз берган ерни эпга келтиринг, чол. Шу ёққа тушайлик. Тўрт девор ичида зиҳ бўп кетдим», дер эди. Зиҳ бўлади одам, бобожон... Тўғри, бегонага қизиқ кўринади у қишлоқ, уйлари, уларнинг қурилиши. Бир уйнинг томи бошқаси учун супадек гап экани. Шу тариқа тоғ бағрига ўрлаган... Ўзи, ундай қишлоқлар кўп экан-ку юртимизда. Кўзингиз тушган албатта.

- Ҳа, бари бўсаб қолған. Каламусларга макан. Бойқусларгаям...

- Э, шу носни тупуринг. Одамга ўхшаб гапиринг, бобо. Худди ҳазиллашаётганга ўхшайсиз.

Чолнинг кўз жияклари тиришиб, чеҳраси яна илиқ-ёқимли тус олиб, бошини ёнига бурди-да, тупуриб юборди. Кейин кафти билан оғзини қаттиқ артди.

- Бўлдима?

- Бу - бошқа гап.

- Гапир. Ўзи, неча уймали қолди шу қишлоқларингда?

- Э, ўзим ҳам билмайман. Беш-олтита бор, - деди Қисматилло ижирғаниб. – Улар ҳам - ўзларидан қолган чол-кампирлар. Пастдаги боғларини сотишган. Уй қуришолмаса....

- Ҳа-а, сенга қийин бўпти-да. - Амирқул полвон кафтларини тиззаларига тираганча хиёл энгашиб сўради: - Жеринг бор-а, Этакда?

- Бор, - деди Қисмат истамасдан. - Бор, уч яшар новвосларим билан сигирим ўтлайди. Иккита буқача, битта сигир бор... Баҳорда, ёзда тоғ бағирларида ўтлайди. Кузда пастга ҳайдаймиз...

- Ҳим, яхши. Молинг бор экан, бу яхши.

- Лекин биттаси ёмонам... Безори чиқди. Сал овқат емаса, шундай бўкирадики, уй ёрилиб кетай дейди. Оғилнинг девори билан уйнинг девори битта-да... Кириб кўрганмисиз шу қишлоққа?

- Ҳе-е устидан ўтиб кетганман загатавитил бўп юрганимда. Лекин ҳар ўтганда ачинар эдим сизларга... - Сўнг кутилмаганда табассум қилиб сўради: - Шокирга ёқар эдима?

Қисматиллонинг ҳам чеҳраси нур таратгудек бўлиб кетди.

- О-о... О! - Кейин бирдан мунглана бошлади. - Ўшанда ёш эдик-да, Полвон бобо. Айниқса, қорли кунларда... қор ёққан саҳарларда шундай уйдан чиқсак, каклик учрар эди. - Кейин жиддийлаша бошлади. - Каклик жониворлар қишда пастга энади-ку? Ҳа. Ана ўша - эгаси кўчиб кетган бўш уйларга, кўчаларга ҳам тушиб доҳлаб юришарди. Ота-от. Қизиқ эди. Қизиқ кунлар ўтди...

**(Давоми келгуси сонларда)**




Б.АКРАМОВ олган сурат.

# "ЧИНОЗДОН" ОЧИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИДА

**2003 йил 5 апрелда бўлиб ўтган акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилинган**

## ҚАРОР ЭЪЛОНИ

1.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202 сонли "Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғисида"ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 13 февралдаги Р-1708 сонли Фармойишидан келиб чиқадиган асосий вазифалар тўғрисидаги маъруза ижро учун қабул қилинсин.**

2.**Жамият кузатув кенгашининг 2002 йилда олиб борган иш фаолияти қониқарли деб топилсин.**

3.**"ЧинсзДон" ОАЖнинг 5 (беш) кишидан иборат кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги тартибда сайлансин:**

1) Накибулла Зариф
2) Алиев Сайид Мусаевич
3) Шермуҳаммедова Жамила Тошпўлатовна
4) Нортажиев Аъзам Абдурайимович
5) Тўраев Норали Исматович

4.**"ЧинозДон" ОАЖ Ижро органининг 2002 йилда олиб борган ишлари, 2002 йил Бизнес-режасида белгиланган кўрсаткичлар бажарилиши бўйича ҳисоботи қониқарли деб топилсин.**

5.**"ЧинозДон" ОАЖнинг 2003 йил учун тузилган Бизнес режаси тасдиқлансин.**

6.**"ЧинозДон" ОАЖ бошқарув раиси Ғуломов Миржалол Мирсодиқовичнинг раҳбарлик фаолияти бир йилга узайтирилсин.**

7.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги фармони ижросини таъминлаш мақсадида "ЧинозДон" ОАЖнинг низом жамғармасини 21438500 (йигирма бир миллион тўрт юз ўттиз саккиз минг беш юз) сўм қўшимча акция чиқариш йўли билан 50000000 (эллик миллион) сўм қилиб белгилансин.**

8.**"ЧинозДон" ОАЖнинг 2002 йилдаги молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан тафтиш комиссияси ҳисоботи ва аудитор хулосаси маълумот учун қабул қилинсин. "Дунё-аудит" билан тузилган шартнома 1 (бир) йилга узайтирилсин.**

9.**Жамият фаолиятига тегишли ички меъёрий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилган ҳолда қайта ишлангач, қабул қилинсин.**

10.**Ҳар бир акцияга 34 сўм 07 тийиндан дивиденд тақсимоти тасдиқлансин.**

**Ушбу қарорни жамият кузатув кенгаши, бошқарув органлари ўзларининг ваколатидан келиб чиққан ҳолда бажарилишини амалга оширишсин.**

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Хабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 133-09-93 (факс), 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Д.ҚИРҒИЗБОЕВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-288, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00 Адади 18 236

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6